

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ўзбек филологияси факултети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси**

АХМЕДОВА ГУЗАЛ

**МАТБУОТ ТИЛИНИНГ ТАСВИРИЙ-ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРИ
("Зарафшон" газетаси материаллари мисолида)**

**5220100 – Филология (ўзбек филологияси) бакалавриат таълим
йўналиши**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар

ўқит.Ш.НОРМУМИНОВ

САМАРҚАНД - 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ўзбек филологияси факултети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси**

АХМЕДОВА ГУЗАЛ

**МАТБУОТ ТИЛИНИНГ ТАСВИРИЙ-ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРИ
(“Зарафшон” газетаси материаллари мисолида)**

**5220100 – Филология (ўзбек филологияси) бакалаврият таълим
йўналиши**

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар

ўқит.Ш.НОРМУМИНОВ

Расмий тақризчи

Г. ХАСАНОВ

Малакавий битирув иши ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2015 йил 30 майдаги мажлисида муҳокама қилинган ва ЯДАКга ҳимоя учун тавсия этилган(10-сон баённома).

Кафедра мудири

проф. А. Абдусайдов

Битирув малакавий иши ЯДАКнинг 2014-йил ____ июндаги мажлисида ҳимоя қилинган ва ____ балл билан баҳоланган (____-сон баённома).

ЯДАК раиси

Аъзолари:

Самарқанд - 2015

РЕЖА:

КИРИШ. Ишнинг умумий тавсифи.

1. Матбуот тилининг ўрганилиши ва долзарб муаммолар.

2. Матбуот тилининг эмоционал экспрессивлигини оширишнинг фонетик усули .

3. Лексик фразеологик усул ёрдамида таъсирчанликнинг ифодаланиши

4. Тасвирий таъсирчанликни белгилашнинг морфологик-синтактик усуллари.

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ. ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бир қатор асарлари, нутқларида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) фаолияти учун зарур вазифалар белгилаб берилган ва уларнинг ҳозирги ҳолати баҳоланган. Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палаталари қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида таъкидланганидек, юртимизда, аввало, ОАВ ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма ОАВнинг сони 1,5 баробар, электрон ОАВнинг сони эса 8 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони 1200 тага етди¹. Мустақиллик йилларида ОАВнинг сони ошиб борган сари уларнинг ҳуқуқий кафолатланиши, журналистларнинг жанр имкониятлари ва тилдан фойдаланиш маҳоратларини кўрсатишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатланганлиги ва ижод эркинлиги ОАВ, жумладан, газетанинг жамиятдаги роли, газета жанр-ларининг тили ва услубини атрофлича ўрганишни талаб этади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказиладиган туб ислохотларнинг самарасини ОАВ иштироксиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли жамият янгиланаётган бир пайтда ОАВ зиммасига жуда катта

¹Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 12 ноябрь 2010 йил. «Халқ сўзи» газетаси, 13 ноябрь.

масъулият юкланди. Бунда, энг аввало , ижодий жамоа ва унинг раҳбаридан ўз ишига масъулият билан ёндашиш, касб маҳоратини юқори даражада эгаллаш ва уни такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Шундай ўзгариш ва янгиланиш жараёнини мамлакатимиздаги барча вилоят газеталарида, жумладан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги нашри “Зарафшон ” газетаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида газета тилини ўрганиш соҳасида бир қатор ишлар яратилган. Уларда «Зарафшон» газетаси материалларидан ҳам фойдаланилган, лекин «Зарафшон» газетасининг тили ва услуби, тил бирликларини қўллаш ҳолати махсус илмий тадқиқ этилмаган. Бугунги кун талабига кўра «Зарафшон» газетасида қўлланилаётган лексик-фразеологик синонимларнинг стилистик хусусиятларини ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва муаммолар. XX асрнинг 60-йилларига келиб ўзбек тилидаги фразеологик синонимлар ходисаси ҳам ўрганила бошланди. Жумладан, Ш. Раҳматуллаев ўзининг докторлик диссертациясининг махсус бобини фразеологик синонимияни тадқиқ этишга бағишланган эди². Шунингдек, тилшуносликка доир айрим дарслик ва қўлланмаларда фразеологик синонимлар йўл-йўлакай тилга олинган ҳамда бир-иккита мисол келтирилиб, уларнинг лексик-фразеологик синонимлардан фарқи таъкидлаб ўтилган, ҳалос.³

Туркийшуносликда бу муаммонинг моҳияти З.Ураксин, А.Болғанбоев, А.Аннамамедов, К.Мамедова каби олимларнинг ишларида очиб берилган.⁴

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. - Тошкент: Фан, 1966. 47-131-б.

³ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан, 1992, 113-117-б.

⁴ Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол.фан.номзоди... дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. - 26 б.

Ўзбек тилшунослигида фразеология соҳасини ҳар томонлама тадқиқ этиш борасидаги ютуқлар таниқли тилшунос олим профессор Бекмурод Йўлдошевнинг “Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси” номли монографиясида батафсил ёритиб берилган⁵. Мавжуд тадқиқотларда ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларидан кўплаб фактик мисоллар келтирилган, уларда газета материалларидан ҳам ўрни билан фойдаланилган.

А.Абдусаидовнинг тадқиқотларида газета тилини ўрганишга доир обзорлар берилган. Тадқиқотларда қайд этилишича, ўзбек тилшунослигида публицистик услуб, хусусан, газета тили ва услуби, газета жанрларининг ўзига хос хусусиятлари К.Юсупов, А.Бобоева, С.Мухамедов, Т.Қурбонов, А.Абдусаидов томонидан маълум даражада тадқиқ этилган.

А.Абдусаидовнинг «Газета жанрларининг тил хусусиятлари»⁶ мавзуидаги докторлик диссертациясида Республика ва айрим маҳаллий газеталар материаллари асосида газета жанрларининг тил хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. Кейинги йилларда ОАВда нутқ маданияти масалаларини ўрганишга доир махсус илмий тадқиқотлар яратилди. Масалан, Д.Тешабоеванинг «Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида)» мавзуидаги докторлик диссертацияси катта илмий аҳамиятга эга.

Газета тили соҳасидаги тадқиқотларда газета матнлари лексик, фразеологик, грамматик, стилистик ва адабий меъёрга риоя этиш нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса-да, алоҳида олинган лексик бирликлар, хусусан, синонимларнинг хусусиятлари махсус тадқиқ этилган. Газета тили ва услубини тадқиқ этиш соҳасидаги тадқиқотларда бошқа масалалар қатори, масалан, газетада эмоционаллик ва экспрессивликни ифодалаш ва

⁵ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. Монография. – Тошкент: Мухаррир, 2013. - 300 б.

⁶ Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: филол.фан. доктори...дис.автореферати – Самарқанд, 2005. - 48 б.

журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати каби масалалар доирасида синонимлар ҳақида ҳам фикрлар билдирилган. А.Абдусаидовнинг қўлланмаси ва докторлик диссертациясида фразеологик синонимия ҳақида эътиборли фикрлар билдирилган. Малакавий битирув ишимизда мавжуд тадқиқотларга асосланиб, «Зарафшон» газетаси материаллари асосида лексик ва фразеологик синонимларнинг айрим хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот манбаи ва тадқиқ усуллари. Малакавий битирув ишида “Зарафшон” газетасининг Мустақиллик йилларида нашр этилган материаллари асосида лексик ва фразеологик синонимларнинг стилистик хусусиятлари таҳлил этилди. Таҳлил учун ўзбек тилшунослигида мавжуд илмий асарлар, дарслик ва қўлланмалар, газета тилига оид махсус тадқиқотлардан фойдаландик. Улар тадқиқ этган усулларга таяниб иш кўрдик.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Газета тилида ишлатилган лексик синонимларнинг семантик-стилистик хусусиятларини давр материаллари асосида ёритиши, фразеологик синонимларнинг таъсирчанликни ифодалашдаги ўрнини кўрсатиш асосий мақсад қилиб олинди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган масалалар қуйидагилар:

- ўзбек тилидаги синонимия ҳодисасининг фикрни таъсирчан ифодалашдаги имкониятлари кенг ва уларни газета материаллари асосида ўрганиш давр талаби ҳисоланади;
- ўзбек тилшунослигида газета тили ва услуби маълум даражада ўрганилган бўлса-да, муаммолар мавжуд;
- лексик воситалар ва уларнинг синонимияси газета тили учун муҳим стилистик восита саналади;
- фразеологик синонимлар газета матнларида эмоционаллик ва экспрессивликни ифодалашда муҳим стилистик имкониятларга эга;

- “Зарафшон ” газетасида лексик ва фразеологик синонимлардан унумли фойдаланилмоқда.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Малакавий битирув ишимизда лексик ва фразеологик синонимларнинг семантик-стилистик хусусиятлари тўла “Зарафшон” газетаси материаллари асосида махсус ўрганилди, фактлар асосида тегишли илмий хулосаларга келинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»(1997)ги қонуни талаблари нуқтаи назаридан фикр юритганда, бугунги кунда тайёрланаётган мутахассислар жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган, чуқур билимли, назарий билимини амалиёт билан моҳирона боғлай оладиган ва қўллайдиган этук кадрлар бўлиши лозим. Жумладан, ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича таҳсил олган кадрлар ҳам саводхон, чуқур билимли бўлиши билан бирга нутқ маданиятига эътиборли бўлишлари, газета материалларидан нутқ маҳоратини ўрганишда фойдаланишлари, камчиликларни билиб олиб, ёш авлод тилдан фойдаланишда камчиликларга йўл қўймасликларига эришишлари, журналистларнинг маҳорати, адабий меъёрга риоя этилишини маълум даражада баҳолай олиши, уларни ўқувчиларга тушунтириш малакасига эга бўлишлари лозим. Ана шу нуқтаи назардан, малакавий битирув иши материалларидан талабалар курс иши, реферат ёзиш ва мустақил иш жараёнида фойдаланишлари мумкин.

Малакавий битирув ишининг жорийланиши. Мазкур мавзу юзасидан тўплаган материалларимиз асосида СамДУ талабаларининг илмий-тадқиқотлари натижаларига бағишланган конференциясида ва Ёш тилшунос тўгараги мажлисида маъруза қилинган.

Малакавий битирув ишининг ҳажми. Мазкур иш Кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олиб, 65 бетдан иборат.

1. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА СИНОНИМИЯ ҲОДИСАСИНING ЎРГАНИЛИШИ ВА ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАР

1.1. Синонимларнинг ўрганилиши ва муаммолар хусусида

Ўзбек тилшунослигида синонимия ҳодисаси ва унинг таърифи масаласида тадқиқотларда олдинлари турлича мулоҳазалар баён этилган бўлса, кейинги йилларда мазмунан бир-бирига яқин фикрлар билдирилмоқда. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да синоним, синонимик, синонимика, синонимия терминларига қуйдагича таъриф берилган:

Синоним (юн- бир хил номли) тлш. Шакли бир хил, маъноси эса бир хил ёки бироз фарқли бўлган тил бирликлари қаторидаги бир хил тил бирлиги.

Синонимик тлш. Бир-бирига синоним бўлган маънодош. Синонимик сўзлар.

Синонимика тлш. 1. Бирор тилнинг синонимлари мажмуи. Ўзбек тили синонимикаси. 2. Лексикологиянинг синонимларни ўрганувчи бўлими.

Синонимия юн (бир хил номга эгалик) тлш. Тил бирликларининг маъно жиҳатидан яқинлик, маънодошлик ҳодисаси⁷.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 514-б.

⁷ Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 2-қисм. Лексикология ва фразеология. Лексикография. – Тошкент, 2004. Ушбу китоб бўйича маълумотлар Интернет – Ziyonet тармоғидан олинди.

Ҳ.Жамолхонов “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобнинг “Лексик синонимия” қисмида “Синонимлар нутқда муҳим услубий восита саналади: улар нутқнинг раво ва таъсирли бўлиши, фикрнинг аниқ ва образли чиқишини таъминлайди”, деган фикрни баён этган. “Таянч тушунчалар” сифатида қуйдагиларни келтиради:

Синонимия лексемаларнинг бир хил маъно англатишига кўра гуруҳланиши.⁸

Синонимик қатор (синонимик уя) - бир маъно англатишига кўра гуруҳланган синоним сўзлар йиғиндиси.

Доминанта - синонимик қатордаги бетараф маъноли сўз.

Маъно синонимлари - бир умумий маънога эга бўлса-да, маъно қирралари билан фарқланувчи синонимлар.

Услубий синонимлар - лексик маънолари ижобий ёки салбий муносабат ифодаловчи семалар билан қопланган синонимлар.

Нутқий синонимлар - нутқнинг у ёки бу турига хосланганлиги билан фарқланадиган синонимлар.

Синонимларнинг турли хусусиятларини ўрганиш соҳасида ўзбек тилшунослигида бир қатор ютуқларга эришилган. Шунга қарамасдан, академик Азим Ҳожиев синонимларнинг ўрганилиши тарихи ҳақида қуйидагича мулоҳаза билдиради: “Синонимлар турли тилларда турли даражада ўрганилган. Бу масала айрим тилларда анча тўла ўрганилган бўлса, айрим тилларда, жумладан, ўзбек тилшунослигида деярли ишланмаган. Тилшуносликда баён қилинган фикрлар бир-бирига кўп ҳолларда мос келмайди. Бу ҳолат, аввало, синонимларнинг таърифида кўзга ташланади”⁹.

⁹ Охунжонова О. Таълим босқичларида синонимлар мавзусини ўқитиш методикаси: Педагогика фан.номзоди дис. автореферати. – Тошкент, 2009, 8-б.

Синонимлар ва улардан фойдаланишга эътибор узоқ даврлардан бошланган. Ўз даврида буюк мутафаккир ва шоир, тилшунос ва адабиётшунос олим Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида синоним сўзларнинг нутқни бойитишдаги ролини чуқур таҳлил қилиб берган эди. Ўзбек тилшунослигида синонимларнинг турли хусусиятларини ўрганишга эътибор XX асрда анча кучайганлиги кузатилади.

Рус тилшунослигида XX асрда синонимия ҳодисаси бўйича қилинган ишлар кўлами жаҳон тилшунослигида қилинган ишларга нисбатан ҳам салмоқли эканлиги маълум. Бу борада алоҳида илмий тўпламлар, жиддий тадқиқотлар, монографиялар вужудга келди. XX асрнинг етмишинчи йилларида Э.Болғанбоевнинг "Қазақ тилиндеги синонимдер" (Алмати, 1970) монографияси юзага келган. Ўзбек тилшунослигида академик А.Ҳожиев тўғри таъкидлаганидек, бу ҳодисага бағишланган (луғавий синонимлар кўзда тутилади) махсус монография яратилмаган эди. Албатта, аффиксал ва синтактик синонимияга оид монографиялар яратилганлиги эътиборлидир.

Ўзбек тилшунослигида синонимларни атрофлича тадқиқ қилиш XX асрнинг 60-йилларидан бошланди. У.Турсунов, Н.Ражабов, С.Усмонов, С.Исамуҳамедова, И.Қўчқортоев, А.Ҳожиев, Ё.Тожиев каби олимлар бу ҳодисани ўрганишга жиддий киришдилар.

Академик А.Ҳожиев тилшуносликда кенг тарқалган бир қатор қарашларни ўрганиб чиққан ҳолда синонимия ҳодисасига ўзига хос таъриф берди. Профессор Ё.Тожиев XX асрнинг 70-йилларидан сўнг рус ва европа тилшунослигида пайдо бўлган таърифлар, талқинларга суянган ҳолда, фақат луғавий синонимларнигина назарда тутмасдан, умуман, бу ҳодисага нисбатан бошқа бир таъриф беришга ҳаракат қилди.

А.Ҳожиев "Бирлаштирувчи маъноси бир хил, талаффуз ва ёзилиши, шунингдек, кўшимча маъно оттенкалари ҳар хил бўлган сўзлар синоним ҳисобланади" деб таъриф берса, Ё.Тожиев "Тилдаги алоҳида олинган

бирликларнинг айрим маъноларига кўра тенг келиб қолишидан ҳосил бўлган тил ҳодисаси синонимлар деб аталади", деган хулосани баён этади.

Р.Р.Сайфуллаева, Б.Р.Менглиев, Г.Ҳ.Боқиева, М.М.Қурбонова, З.Қ.Юнусова, М.Қ.Абузалованинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли дарслигининг “Лексик-семантик муносабатлар” қисмида синонимик муносабатларга доир қимматли фикрлар билдирилган.

Профессор С.Каримов “Ўзбек тилининг бадиий услуби» номли монографиясида синонимлар тўғрисида эътиборли фикрларни билдирган¹⁰. Синонимлар бир тушунчани турли хил маъно нозикликлари билан ифода қилишда ундан фойдаланувчилар, хусусан, шоир ва ёзувчилар, журналистлар учун муҳим имкониятлардан биридир.

Ўзбек тилшунослигида, юқорида ҳам қайд этганимиздек, синонимларни ўрганиш соҳасида салмоқли илмий ишлар яратилган¹¹. Улар қаторида А.Дониёров, А.Ҳожиев, Р.Қўнғуровларнинг ишлари алоҳида аҳамиятга эга¹².

Маълумки, лексик воситалар орасида синонимлар тилимизнинг ижтимоий ва бадиий-эстетик жиоларини намоёиш қила олиши билан энг муҳим ўринни эгаллайди. Синонимияни нутқий ижоднинг чегараланмаган имкониятларини юзага келтира олувчи ўзига хос майдон дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам, олимлар қайд этганидек, А.М.Пешковский ва А.И.Ефимов сингари олимлар нутқий воситалар синонимиясини ўрганишни стилистиканинг марказий муаммоларидан бири деб ҳисоблаганлар.

Синонимлар бадиий услубда муҳим стилистик восита сифатида хизмат қилишини С.Каримов А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли

¹⁰Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Монография. (Масъул муҳаррир – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Раҳматулла Қўнғуров). – Самарқанд: Зарафшон, 1992. -140 б.

¹¹ Бу ҳақда қаранг: Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд. 1984.

¹²Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: 1974, 12-б.

лугати» асосида қараб чиқиб, диққатга сазовор фикрларни билдирган. Масалан: қуйидаги мисолларга эътиборни қаратдик:

агар – башарти. Башарти шахзода унинг тилагини ҳурмат қилса, ўз ихтиёри билан салтанатдан воз кечиб, ўзини бус-бутун илм-фанга бағишлашни кўнглига тугиб қўйди (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

айтмоқ, – баён қилмоқ, изҳор қилмоқ: Пинҳон сириг баён эт, Кўксингни қилма кўп қон (Э.Воҳидов. Ғунча), Мен ҳам ахир сенингдек, Изҳори ишқ этолмай, Кўксимда дуди оҳим, Даштлар аро қуюнча (Э.Воҳидов. Ғунча).

балоғат – камол, камолат: Сенла бирга жавлон уриб дунёга келган, Сенла ўсиб шон яратиб камолга етган (Зулфия. Курсдош кизга), Ишқчи, баҳор гиёҳи каби, Авж олади, топар камолот (Зулфия. Муҳаббат – бу...).

барг – япроқ: Бугун бош устингда яшнаган япроқ, Шовиллаб тўкилар эрта пойингга (А.Орипов. Кўпдан кутган эдим).

бахт — иқбол, саодат: Иқболи негун, бахти ҳам қора экан мендек (Фурқат. Сайдинг қўя бер), Саодат гарови ҳар қандай юмуш, Хонзода кизидай ўтирма бекор (Ғ.Ғулом. Хотин).

бегона – ўзга, гайир, ағёр: Ўзга юртда бунча қоронғу, Узун бунча тун? (Зулфия. Тун).

бутунлай — батамом, тамомила, тамоман: Шу кундан эътиборан ўғлимиз Абдулатиф Самарқанд тахтига ворисликдин тамомила маҳрум этилади. («Улуғбек юлдузи» кинофилмидан); Бардош бермас ирода, идрок, Тамоман лол ақл, тушунча (Зулфия. Не балога этдинг мубтало).

Профессор С.Каримовнинг таъкидлашича, ҳар бир миллий тилда, жумладан, ўзбек тилида маълум тушунчаларни англатувчи синонимларнинг мавжуд бўлиши ва синонимик қатордаги бирликлар сони бу тилнинг бойлигини кўрсатувчи сифат белгилари саналади. Синонимик қатордаги сўзларнинг услубий табақалана бориши эса тилнинг бу фазилатларини яна ҳам тўлдириши мумкин. Бир қадар эмоционал бўлса-да, бир тушунчани

ифода этувчи бир неча сўздан назарда тутилган маъно ва ҳис-туйғуни ифода эта оладиган шаклини топиб ва танлаб ишлатиш нақадар ҳузурбахш иш эканлигини таъкидлашга тўғри келади.

Ҳ.Жамолхонов “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобининг “Лексик синонимия қисмида”¹³ ифода семаларининг ҳар хиллигидан келиб чиқиб, лексик синонимларни қуйидаги турларга ажратади:

1. *Маъно синонимлари* (идеографик синонимлар). Бундай синонимлар маъно қирралари билан фарқланади. Масалан, *аччиқланмоқ*, *ғазабланмоқ*, *қаҳрланмоқ* лексемалари “Ғазаби келмоқ” маъноси билан бир синонимик қаторга бирлашади, аммо уларда шу маънони ифодалаш даражаси бир хил эмас, у “аччиқланмоқ”дан “ғазабланмоқ”қа, “ғазабланмоқ”дан эса “қаҳрланмоқ”қа қараб кучайиб боради.

2. *Услубий синонимлар* (стилистик синонимлар). Бундай синонимларнинг лексик маъноси ижобий ёки салбий бўёқлар (услубий семалар) билан қопланган бўлади, айти шу услубий семалар синонимларнинг услубий восита сифатидаги қийматини белгилайди. Масалан, *жилмаймоқ*, *илжаймоқ*, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ишшаймоқ* ва *иршаймоқ* лексемаларининг барчасида битта лексик маъно – “овоз чиқармай мийиғида кулиш” ҳодисасини номлаш бор, аммо шу маъно *жилмаймоқ* лексемасида бир оз ижобий, *илжаймоқ* лексемасида эса бир оз салбий бўёқ билан қопланган, бу салбий бўёқ *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ишшаймоқ* ва *иршаймоқ* лексемаларида янада ортиб боради.

3. *Нутқий синонимлар* – нутқнинг у ёки бу турига хосланиши билан ўзаро фарқланадиган синонимлар. Масалан, *озгина*, *пича*, *сал*, *хиёл*, *жиндай*, *қиттай*, *жичча* қаторидаги озгина лексемаси нутқнинг барча кўринишларида (адабий нутқда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам) қўллана олгани ҳолда,

¹³ Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 2-қисм. Лексикология ва фразеология. Лексикография. – Тошкент, 2004. Ушбу китоб бўйича маълумотлар Интернет – Ziyonet тармоғидан олинди.

нича, хиёл, жиндай, қиттай, жичча лексемалари фақат сўзлашув нутқига хослангандир.

Ўзаро умумий маъноси билан бирлашиб, стилистик бўёғи ва нутқда ишлатилиш доираси жиҳатидан фарқланадиган синонимлар *стилистик синонимлар* дейилади.

Лексик маъноси жиҳатидан фарқаланадиган синонимлар *идеографик (маъно) синонимлардир*. Масалан, *касал* (умум ишлатадиган сўз), *бемор* (ёзувда кўп қўлланади), *хаста* (эскирган сўз), аммо баъзан-баъзан, ора-сира *касал* бўлиб туриш маъносини билдирувчи *бетоб, нотоб* сўзлари юқоридагиларга нисбатан стилистик ва идеографик синонимдир. Идеографик синонимлар ўзаро лексик маъно даражасига кўра фарқланади: ёмғирда плашим *нам бўлди*, ёмғирда плашим *хўл бўлди* боғланишларининг кейингисиди белги даражаси кучлироқ. Нутқда фикр оттенкасига, лексик, грамматик ёки стилистик характериға мос синоним сўзлардан фақат биттаси танлаб олинади ва ишлатилади. Шу сабабдан, синонимик қатордаги сўзлар ўртасидаги баъзи фарқларни ўрганиш стилистиканинг вазифаси ҳисобланади.

Муайян синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар конкрет ҳолларда маъно томонидан бир-биридан ажралади, стилистик қўлланишиға кўра фарқланади.

Бир синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар маъно жиҳатидан яқин бўлса ҳам, баъзан улардан бирини иккинчисининг ўрнида ишлатиб бўлмайди. Масалан: *аянч аҳвол, оғир аҳвол, қийин аҳвол, мушкул аҳвол* бирикмаларида *аянч, оғир, қийин, мушкул* сўзлари бир-бириға синоним бўлиб, айна ўринда уларни алмаштириш маъноға таъсир қилмайди. Аммо бошқа бир конкрет тушунча ёки тасаввурни ифодалашда бу синоним сўзларни лексик маъно нуқтаи назаридан баҳолаш лозим бўлади. Масалан, *оғир чамадон* дейиш мумкин бўлган ҳолда, *мушкул чамадон, қийин чамадон* дейиш қулгилидир.

Синонимлар нутқда ишлатилиш доираси жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, барча нутқ стилларида ишлатиладиган умумнутқ сўзи, *дудоқ* - бадий нутқ сўзи; *шамол* - умумнутқ сўзи; *сабо* - бадий нутқ сўзи; *роҳат* - умумнутқ сўзи; *эсламоқ* - умумнутқ сўзи; *хотирламоқ* - расмий нутқ сўзи; *йўқламоқ* - сўзлашув нутқи сўзи. Бу хил синонимлар стил (услуб) синонимлари дейилади.

Шунингдек, ишлатилиш доираси чегараланган ё чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, *кекса*, *қари*, *оқсоқол*, *нуроний*, *мўйсафид* каби бир синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар орасида *қари* сўзининг ишлатилиш доираси кенг. Бу сўз инсондан ташқари, ҳайвонлар учун ҳам қўлланилади: *қари от*, *қари тулки* каби. Лекин *оқсоқол*, *нуроний*, *мўйсафид* синоним сўзларининг ишлатилиш доираси чегараланган. Бундай ҳолатлар ишлатилиш доирасининг кенг - торлиги синонимлар маъно ҳажмига, яъни уларнинг кенг ёки тор маъно ифодалашига боғлиқ.

Синонимлар ва улардан фойдаланишга эътибор узоқ даврлардан бошланган. Ўзбек тили нутқда нозик маъно оттенкаларини ҳамда ранг-баранг стилистик бўёқларни бера оладиган синонимларга бой. Машҳур ўзбек шоир ва ёзувчилари, сўз усталари синонимлардан моҳирлик билан фойдаланганлар. Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида биргина *йиғламоқ* сўзига мазмунан яқин бўлган еттита синонимни келтиради: *йиғламсирамоқ*, *инграмоқ*, *синграмоқ*, *сиқтамоқ*, *ўкирмақ*, *қичқирмоқ*, *ҳой-ҳой йиғламоқ*. Навоий бу синонимлар бир-биридан нозик маъно оттенкалари ва стилистик қўлланиш ўринларига кўра фарқланишини мисоллар билан кўрсатади¹⁴.

Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши синонимлардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Баъзи синоним сўзларнинг маъносини фарқлаш бирмунча мураккаб бўлади. Ҳатто адабий нутқни яхши биладиган, синонимларни тўғри танлаб, уларни мақсадга мувофиқ ишлата олувчи кишилар ҳам кўпинча синонимик

¹⁴ Алишер Навоий. Танланган асарлар. XVI том. - Тошкент, 2000, 1-18-б.

сўзлар оттенкаларидаги тафовутларни тушунтиришда ожизлик қилишлари мумкин. Масалан, бир синонимик қатордаги *ифлос, исқирт, ирkit, ислиқи, иқна* сўзларининг маъно нозикликларини осонгина изоҳлаб бериш қийин.

Синоним сўзларнинг маъно қирраларини тўғри англаш ва ўз ўрнида қўллаш уларнинг қандай сўзлар билан бирикиб кела олиши имкониятларини ҳам ҳисобга олишни талаб этади. Масалан, *қасамёд, қасам, онт; қасамёд қилмоқ, қасам ичмоқ, онт ичмоқ. Қасам қилмоқ, онт қилмоқ* деб бўлмаганидек, *қасамёд ичмоқ* ҳам дейилмайди.

Ҳар бир синоним сўзнинг антонимини топиш ҳам синоним сўзларнинг маъно фарқини очишга ёрдам беради. Масалан: *енгил - оғир, вазмин, зил, зилдек, залворли; осон, ўнғай - қийин, мушкул, маҳол, машаққатли, душвор. Яна: секин-тез, оҳиста- илдам, суст - жадал* каби.

Синоним сўзлар ўртасидаги семантик-стилистик айирмаларни ҳисобга олмаслик сўз танлаш ва қўллаш билан боғлиқ нуқсонларга олиб келиши мумкин. Масалан, қуйидаги жумлаларда *йиқилмоқ* ва *қуламоқ, ташина* ва *чанқоқ, озгин* ва *ориқ* сўзлари ўртасида маъно оттенкаларини, уларнинг қўлланиш доираларини ҳисобга олмаслик натижасида стилистик хатога йўл қўйилган:

1. Булдозер кўчамизда *йиқилган* ва *йиқилай* деб турган деворларни бир чеккага суриб йўл очар эди. *Йиқилмоқ* сўзи, асосан, одам ва жонли нарсаларга нисбатан қўлланилади. Шунинг учун бу гапда *йиқилмоқ* ўрнига унинг синоними ва асосан, жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланувчи *қуламоқ* сўзини ишлатиш керак эди.

2. Чўпонлар *озгин* қўйларнинг парваришига алоҳида эътибор бермаётирлар гапида одамга нисбатан қўлланадиган *озгин* сўзи ўрнига унинг синоними *ориқ* ишлатилганда матн мазмунига мос бўлар эди.

Маълумки, бир фикр баёнида синонимик қатордаги сўзлардан бир йўла икkitасини ёки ундан ортиғини ишлатиш синонимларнинг стилистик фигура сифатида хизмат қилиши билан боғлиқ.

Синонимлар стилистик фигура сифатида қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

1. Маънони кучайтириш, умумлаштириш, жамлаш мақсадида синонимик жуфт сўзлар ишлатилади: *бахт-саодат, қадр-қиммат, ҳурмат-еҳтиром*¹⁵. Бундай вақтда иккинчи синоним биринчисининг айнан такрори бўлмай, балки у ифодалаётган тушунчани қўшимча белгиси билан тўлдириб туради.

2. Фикрнинг нутқдаги ўхшаш ёки яқин тафсилотларини хилма-хил шаклларда ифодалаш учун икки ёки ундан ортиқ синонимлар ишлатилади. Бундай вақтда синонимлар турли кўринишларда, чунончи, ўзак синонимлар шаклида (*катта, улуг, буюк, зўр, азим, улкан*), қўшма, ясама сўзлар шаклидаги (*дов юрак, қўрқмас*) синонимлар, бирикма синонимлар (*фарқ қилмоқ, тафовут қилмоқ*) ва ниҳоят, эвфемистик сўз ёки сўзлар бирикмас орқали ифодаланадиган (*огир оёқ, иккиқат, ҳомиладор, юкли*) синонимлар шаклида бўлади.

Синонимлар нутқни таъсирчан баён қилишда ҳамда услубнинг рангдор бўлишини таъминлашда, қайтариқларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Синонимларнинг турли хусусиятларини ўрганиш бўйича ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқотлар ёзилган. Синонимларнинг турлари ва таърифи ҳақида турлича фикрлар билдирилган, лекин уларнинг ҳаммаси моҳияти билан бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Юқорида ҳам қайд этилганидек, синонимлар шакли жиҳатидан ҳар хил, лекин маъноси бир-бирига яқин сўзлардир.

Газета тилида синонимларнинг қўлланиши ва услубий хусусиятларини ўрганишда Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, А.Шомақсудов, М.Миртожиевлар-

¹⁵ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б. Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Самарканд, 1966. – 18 с. Исамухамедова С. Синонимы в современном узбекском языке: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963.

нинг тадқиқотларига асосланиш мумкин. Проф. Ш.Раҳматуллаев синонимларни лексик ва грамматик гуруҳларга бўлади¹⁶. Ҳақиқатан ҳам, лексик ва грамматик синонимлар матнда ўзининг услубий имкониятларини тўла намоён қилади¹⁷. Проф. А.Шомақсудов таснифига кўра синонимлар маъно ва қўлланиш доираси жиҳатидан идеографик, стил ва стилистик синонимларга бўлинади. Проф. А.Ҳожиёвнинг "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати" китоби синонимларнинг маъноси, қўлланиш, доирасини белгилашда асосий манбалардан ҳисобланади¹⁸.

М.Миртожиевнинг "Ўзбек тили семасиологияси" номли монографиясининг "Лексик маънолардаги парадигматик муносабат" сарлавҳали бобида лексик маънолардаги парадигматик муносабат икки жиҳатдан, яъни: 1) маълум мавзу жиҳатдан, 2) семантик жиҳатдан таҳлил қилиниб, синонимия ҳодисасининг моҳияти атрофлича ёритиб берилган.¹⁹

Маълумки, синонимия бирдан ортиқ сўзнинг лексик маънолари ўртасидаги муносабатда юзага чиқади. Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синоним бўлиши учун яна бир неча шартлар бор. Улардан бири сифатида бирдан ортиқ сўзнинг турли талаффузга, яъни турли фонетик таркибга эга бўлиши деб кўрсатилади. Ҳақиқатан ҳам, синоним бўлган сўзлар товуш таркиби жиҳатидан бир хил бўлмаслиги шарт.

Синонимия тил ҳодисаси бўлгандан кейин, уни субъектив нуқтаи назардан туриб ўлчанмайди. Синонимияни белгилаш ҳеч вақт ёзув нуқтаи назарига тобе бўлиб қолмайди. Сўзлашув нутқида уларнинг қандай ёзилиши қимматга эга эмас. Синонимия усиз ҳам ўз қимматида тураверади.

¹⁶ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 160 б. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 45-46-б.

¹⁷ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

¹⁸ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. - Тошкент: "Mumtoz so'z", 2010, 189-215-б.

Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синоним бўлиши учун асосий шарт сифатида улардаги маънонинг бир хиллиги, айнан бир хиллиги, ўзаро яқинлиги ёки ўхшашлиги кабилар айтилади. Яъни синонимияда сўзларнинг маъно муносабати уни белгиловчи асосий шарт ҳисобланади. М.Миртожиев белгиловчи асосий шарт сўзларнинг маъно муносабати эканлиги кўрсатиб, уларни икки гуруҳга бўлади: 1) сўзларнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар, яъни абсолют синонимлар; 2) сўзларнинг маъно муносабати умуман бир хилликка асосланган синонимлар, яъни семантик синонимлар. Сўзларнинг ўзаро маъно яқинлиги ва ўхшашлиги каби масалалар семантик синонимлар ичида аниқланади.

Сўзларнинг, яъни бирдан ортиқ сўзнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар тилшуносликда *абсолют* синонимлар деб аталади. Уларни айрим тилшунослар *дублет* деб атайдилар. Баъзи ишларда эса маънолари айни бир хил синонимлар мавжудлигини айтиш билан чекланилган: уни абсолют синоним деб ҳам, дублет деб ҳам аталмаган. Аслини олганда, абсолют синоним ва дублет терминлари бир хил маънога эга. Бу терминлар остида ифодаланган синонимлар бирдан ортиқ сўзнинг семантик таркиби айни бир хил бўлишини билдиради.

А.Ҳожиев: "*Агар ҳеч қандай фарқли белги бўлмаса, бундай синонимлик (абсолют синоним) ўткинчи ҳолат...*", - дейди. Унингча, абсолют синоним таркибидаги бир сўз ё архаиклашади, ё шеригига нисбатан семантикасини бир жиҳати билан фарқлайди. Масалан, ўзбек тилида *тилушунос* ва *лингвист* сўзлари абсолют синоним деб кўрсатиб келинади. Лекин ҳозир тилшунос сўзи умумсўзлашув тилида қўлланса, лингвист сўзи деярли китобий лексикага хосланиб бўлди. Абсолют синонимлар деярли тилларда санокли микдорда учрайди. Абсолют синонимлар манбаи асосан ўзбек тилида барча тиллардаги каби терминларда учрайди. Масалан, китобатчилик лексикасида *типография/босмахона*, *қорамолчилик лексикасида чўпон/подачи*, *ошловчи/тузловчи* каби абсолют синонимлар жуфтлиги

мавжуд. Лекин улар ҳар бир терминологик тармоқда жуда кам. Айрим терминологик тармоқларда учрамаслиги ҳам мумкин. Масалан, физика, математика фанлари соҳасидаги терминологияда абсолют синонимлар деярли йўқ.

Абсолют синонимлар деярли икки сўздан иборат бўлади. Терминларга мансуб абсолют синонимларнинг таркиб топишида диалектал терминларнинг адабий тилга кириб келиши аҳамият касб этади. Бунда диалектал термин, яъни профессионализм адабий тилдаги термин билан айна бир маънога эга ҳолатга келади, абсолют синоним таркиб топади. Ўзбек адабий тилининг уй-рўзгор лексикасида *нарвон* термини бор эди. Унинг ёнига *шоти* профессионализи ўзлаштирилди. Натижада *нарвон* ва *шоти* терминлари ҳисобига абсолют синоним таркиб топди. Ўзгиз диалектида ҳам шу маънога эга *занги* профессионализи бор. Лекин у адабий тилдаги *нарвон* термини билан абсолют синоним бўла олмайди. Чунки у адабий тилнинг мулки эмас. Ўзбек тилига *муаллим* сўзининг ўзлаштирилиши унинг шу тилда бор *ўқитувчи* сўзи билан абсолют синоним таркиб топиши учун сабаб бўлган.

А. Абдусаидов газета матнларида учрайдиган русча-байналмилал сўзлар ва уларнинг дублетларини тўплаб, “Лексик дублетлар ва уларнинг изоҳи (газета материаллари асосида)” номли ўқув қўлланмасини яратган²⁰. Қўлланмада газета тилида лексик дублетларни қўллашдаги 1989 йилдан кейинги 4-5 йил ичидаги жараён таҳлил этилган. Унда *республика* – *жумҳурият*, *тарих* – *мозий*, *министр* – *вазир*, *журнал* – *мажалла*, *университет* – *дорилфунун*, *диагноз* – *ташхис* кабиларнинг маъно хусусиятларини ўрганиш мақсадида газеталардан мисоллар тўплаб, уларни изоҳлайди. Ҳозирги давр газеталари мисолида лексик дублетлар, айрим адабиётларда қайд этилганидек, абсолют синонимларни атрофлича ўрганиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

²⁰ Абдусаидов А. Лексик дублетлар ва уларнинг изоҳи (газета материаллари асосида). – Самарқанд: 1993. - 112 б.

М.Миртожиевнинг ёзишича, лингвистик адабиётларда семантик синонимларни абсолют синонимлардан фарқлаш учун "айнан бир хил маъноли" сўзлар деб эмас, "ўзаро яқин маъноли" сўзлар деб атайдилар. Чунки семантик синонимларда сўзлар айрим лексик маъноси билан тўлалигича бир хил бўлмайди. Шу лексик маънолар эмоционал-экспрессив, услубий семалари, уларнинг қайси услубга хослиги кабилар билан ўзаро, шубҳасиз, фарқланади. А.Ҳожиев жуда тўғри таъкидлаганидек, яқинлик яқинлаштиради, лекин бирлаштирмайди. Бунинг учун у *кулмоқ*, *илжаймоқ*, *жилмаймоқ*, *тиржаймоқ*, *иржаймоқ*, *иршаймоқ*, *ишшаймоқ*, *хахоломоқ*, *хиҳиламоқ*, *ҳеҳеламоқ*, *қахқахламоқ*, *пиқирламоқ*, *қиқирламоқ* сўзларини таҳлил қилади. Унинг кўрсатишича, бу сўзлар лексик маънолари бир-бирига жуда яқин. Улар ўзаро семантик қаторни таркиб топтиради. Лекин бир синонимик қатор бўла олмайди. Булардан *илжаймоқ*, *жилмаймоқ*, *тиржаймоқ*, *иржаймоқ*, *иршаймоқ*, *ишшаймоқ* феъллари "лаб ва кўз мускулида шодлик аломати пайдо қилмоқ" лексик маъноси; *кулмоқ*, *хахоломоқ*, *хиҳиламоқ*, *ҳеҳеламоқ*, *қахқахламоқ* феъллари "шодлигини билдирувчи овоз бермоқ" лексик маъноси билан ўзаро бир хил, синонимик қаторни таркиб топтирган. Яъни ўзаро лексик маъно яқинлиги эмас, бир хиллиги сўзлар синонимияси учун асос бўлади²¹. Семантик синонимлар бирдан ортиқ сўзнинг маълум лексик маъноси бир хил бўлишига асосланади. Лекин бу лексик маънолар абсолют тенг келмайди. Лексик маъно таркибида шундай семалар бўладики, бу билан у ўзига хосдир ва бошқаларидан семантикасини фарқлаб туради. Уларнинг шу семалари сўзларнинг лексик маънолари бир хиллигига кўра синонимни таркиб топтирганда холи қолади, бир хил келган лексик маънолар таркибидан четда бўлади. "Синонимлар - бу номинатив маъноси билан тенг келган сўзлар", – деган таъриф мавжуд. Бунинг учун қуйидаги мисолга диққатни қаратишга тўғри келади. *Чиройли*,

²¹ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. - Тошкент: "Mumtoz so'z", 2010, 196-197-б.

гўзал, *кўҳли* сўзлари номинатив маъноси бўйича ўзаро семантик синонимдир. Бу жиҳатдан улар тенг семантикага эга. Аммо улар абсолют синоним эмас. *Гўзал* сўзи поэтик нутққа, *кўҳли* сўзи сўзлашув нутқида хослиги билан қолганларидан фарқ қилади. Шунингдек, сўзларнинг номинатив маъноси эмоционал, экспрессив, услубий ифода берувчи семалардан ҳоли бўлади.

Ўзбек тилида семантик синонимларнинг бир нечта манбалари мавжуд. Улар асосан қуйидагилар: Чет тилидан ўзлаштирилган сўзлар ўз лексикадаги мавжуд сўзлар билан семантик синонимларни таркиб топтиради. Масалан, ўзбек тилида *ота* сўзи бор. Эроний тиллардан яна *надар* сўзи ўзлаштирилиб, у билан семантик синонимни юзага келтирган. Шунга ўхшаш яна эроний тиллардан *пой* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *оёқ* сўзи, *кор* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *иш* сўзи; араб тилидан *нашр* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *чоп* сўзи, *меҳнат* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *иш* сўзининг семантик синоними таркиб топиши учун асос бўлган. Айрим ҳолларда чет тилидаги мавжуд синонимларни ўзбек тилига ўзлаштириш ҳам кузатилади. Масалан, араб тилидаги мавжуд *ишқ* ва *муҳаббат*, яна *бахт* ва *саодат* семантик синонимлари ўзбек тилига тўғридан-тўғри ўзлаштирилган. Айрим ҳолларда икки чет тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар ўзаро семантик синонимни таркиб топтириши мумкин. Масалан, ўзбек тилига арабча *асир*, эроний тиллардан *банди* сўзи ўзлашиб, яна рус тили орқали *нерв* ва араб тилидан *асаб* сўзи ўзлашиб, ўзаро семантик синонимлар пайдо бўлган.

Ўзбек адабий тилига диалектал сўзларнинг ўзлаштирилиши ҳам семантик синонимлар учун манбадир. Масалан, ўзбек адабий тилига Тошкент шевасидан *нарвон* ва Фарғона-Марғилон шевасидан *шоти* сўзлари, Тошкент шевасидан *унашмоқ* ва Фарғона-Марғилон шевасидан *бўлишмоқ* сўзлари қабул қилинган. Натижада, ўзбек адабий тилида *шоти* / *нарвон*, *унашмоқ* / *бўлишмоқ* семантик синонимлари таркиб топган.

Ўзбек тилида сўз яшаш ҳам семантик синонимлар учун манбадир. Бунда кўпроқ бир сўз яшалиши асосидан синонимик аффикслар воситасида семантик синонимлар ясалади. Масалан, *елка* отига ҳам *-ли*, ҳам *-дор* аффиксини қўшиб, *елкали* ва *елкадор* семантик синонимлар ясалган. Яна *сув* отига ҳам *сер-* префикси, ҳам *-ли* аффиксини қўшиб, *серсув* ва *сувли* семантик синоними ясалган. Бу ҳодисага кўра ўзбек тилида семантик синонимларнинг яшалиши жуда кенг тарқалган. Ё.Тожиев ўзининг номзодлик диссертациясида фақат отлардан *-ли/-дор*, *-ли/сер-*, *-ли/ба-*, *-ли/ -чан*, *сер-/ба-*, *-дор/ сер-*, *-ли/ -кор*, *-манд*, *-дон*, *-нок*, *-чан*, *-той*, *-сиз/бе-*, *-сиз/но-*, *-сиз/ним-*, *бе-/но-* аффиксал жуфтликлари воситасида семантик синонимлар яшалишини тадқиқ этган. У яна докторлик диссертациясида ўзбек тилидаги барча аффиксал синонимларни тадқиқ қилган²².

Ясама семантик синоним бўлиши учун фақат бир сўздан аффиксал синоним воситасида сўз яшаш шарт эмас. Турли сўзлардан бир аффикс воситасида ясалган ясамалар ҳам семантик синонимларни таркиб топтиради. Масалан, *кўрк*, *чирой*, *ҳусн* сўзларига *-ли* сифат ясовчиси қўшилиб, “юз кўриниши ёқимли” лексик маъносига эга семантик синоним қаторини юзага келтирган: *кўркли*, *кўҳли*, *чиройли*, *ҳуснли*. Бу ясамалар учун ўзак бўлган *кўрк*, *чирой*, *ҳусн* отлари эса ўзаро деярли семантик синоним бўла олмайди. Чунки уларнинг лексик маъносидаги семантика ўзаро бир хил келмайди. Лекин бу уларнинг ясамаси семантик синоним бўлиши учун монелик ҳам қилмаган. Айрим семантик синонимлар ясама сўзларнинг туб сўзлар билан лексик маъноси бир хил келиб қолиши орқали ҳам таркиб топади. Масалан, *гўзал* туб сўзининг лексик маъноси юқоридаги *кўҳли*, *чиройли*, *ҳуснли* ясама

²² Таджиев Ё. Синонимия словообразующие аффиксов с значением "еаличие-отсутствие" в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1974. Таджиев Ё. Аффиксальная синонимия в узбекском языке. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. –Тошкент, 1991.

сўзлари лексик маъноси билан, ядро семалари этиборига кўра, бир хил, яъни улар ўзаро семантик синонимдир.

Сўзларнинг полисемантиклиги ҳам семантик синонимлар таркиб топишида ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, *юз* сўзи полисемантик бўлгани ҳолда, “бошнинг бурундан икки томонидаги юмшоқ қисми” лексик маъноси билангина *бет*, *чеҳра*, *руҳсор*, *узор*, *башара*, *турқ* ва ҳоказо сўзлардан иборат синонимик қаторга кирган. Яъни полисемантик сўз бир лексик маъноси асосида бир синонимик қаторга мансуб бўлади. У қолган лексик маънолари асосида бошқа синонимик қаторга кириши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда айрим полисемантик сўзлар ҳар бир лексик маъноси билан бир синонимик қаторда кузатилади. М.Миртожиев *бет* полисемантик сўзининг 8 та лексик маъносини қайд этади: 1. *Одам бошининг олдинги қисми*. 2. *Бошнинг бурундан икки томонидаги юмшоқ қисми*. 3. *Сиртқи юза қисм*. 4. *Варақнинг бир юзаси*. 5. *Йўлнинг ўнг ёки чап томони*. 6. *Сувнинг қуруқликка туташ жойи*. 7. *Тизнинг кесувчи юзаси*. 8. *Мулоқотдан тортиниш ҳисси*.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ОАВ, хусусан, газета жамоатчилиги фикрини акс эттиришни, аҳолини холис ахборот билан таъминлашни асосий мақсад қилиб олган. Шу нуқтаи назардан, ахборотнинг таъсирчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Газета тилида қўлланилаётган сўз ва ибораларнинг омма онгига қай даражада таъсир этиши улар олаётган маълумотлар тез ва тушунарли бўлиши журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига, айниқса, лексик-фразеологик воситалардан ўринли фойдаланишига ҳам боғлиқ. Бундай лексик бирликлар орасида синонимларнинг ҳам аҳамияти катта.

Синоним сўзларнинг ҳар бири ўз семантик-стилистик маъносига эга бўлиб, уларнинг маънолардаги нозик фарқлар матинда аниқ бўлади. Синонимларнинг матинда ёки газета тилида мос ёки мос эмаслигига, семантик-стилистик маъносига этибор бериш жуда муҳимдир. Уларнинг ўз

ўрнида маъно нозиклигига қараб қўллаш нутқни равон, ёрқин, аниқ мазмунли қилиб ифодалашга ёрдам беради. Синоним сўзни ўз ўрнида ишлатмаслик, маъно хусусиятларини ҳисобга олмаслик маълум услубий камчиликка, баъзан ғализликка, умуман, услубий меъёرنинг бузилишига сабаб бўлади.

Газета тилида лексик ва фразеологик синонимларнинг қўлланиши жуда ранг-барангдир. Уларнинг қўллашда журналистларнинг моҳирлиги, топқирлиги сезилиб туради.

1.2 Синонимларнинг семантик муносабати ва таъсирчанликни ифодалашдаги ўрни

Маълумки, семантик синонимлар икки ва ундан ортиқ, хатто ўн атрофидаги маънодош сўзлардан таркиб топиши синонимик қаторларни юзага келтиради. Тил бойлигида семантик қаторлар ҳам мавжуд. Бу семантик қаторлардан синонимик қаторлар, сўзларнинг ўзаро семантик муносабатига кўра, фарқ қилади.

1. **Идеографик синонимлар** шундай семантик синонимки, улар таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси бир-биридан ифода ҳажмига кўра фарқ қилади. Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган *ишқ* ва *муҳаббат* синонимини олайлик. Бу сўзлар “бирор шахсга дилдан берилган иштиёқ” лексик маъноси бўйича маънодошдир. Лекин бу икки сўз лексик маънолари ифодаси ҳажмига кўра ўзаро фарқ қилади. *Ишқ* сўзининг лексик маъносидаги кечинма фақат ёр ва Оллоҳ учун, *муҳаббат* сўзининг лексик маъносидаги кечинма ёр, Оллоҳ, ота-она, фарзанд ва яқинларга нисбатан ҳамдир. Бу *ишқ* ва *муҳаббат* сўзлари идеографик синоним эканлигини кўрсатади.

2. **Эмоционал-экспрессив синонимлар** маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлиб, прагматик семаси, яъни эмоционал ёки экспрессив семаси ўзаро фарқланади. Масалан, *жилмаймоқ*, *илжаймоқ*, *ишшаймоқ*, *иршаймоқ*, *тиржаймоқ* семантик синонимлар қаторини келтириш мумкин. Бу синонимик қатор “лаб ва кўз мускулида хурсандлик

аломати ҳосил қилмоқ” лексик маъносининг ядро семаларига кўра ўзаро бир хил. Аммо улардан *жилмаймоқ* сўзигина шу лексик маънони ифодалаш билан чекланган, у шу семантик синоним учун доминантадир. Бу изоҳ шу қатордаги барча сўзларга хос бўлиб, қолганлари ижобийлик ёки салбийлик прагматикаси билан ундан фарқланади. *Илжаймоқ* феъли лексик маъносида ижобий эмоционаллик, *ишшаймоқ* феъли лексик маъносида салбий эмоционаллик бор. *Иршаймоқ* феъли лексик маъносида “киноявийлик” ва *тиржаймоқ* феъли лексик маъносида “заҳархандалик” эмоционал туйғу семаси ўз ифодасини топган. Яъни бу қатор синонимлари лексик маъноси эмотик семасига кўра ўзаро фарқланади.

Синонимик қатордаги сўзларнинг лексик маъноси экспрессив семага кўра ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, *бўйчан*, *баланд новча*, *дароз*, *дов* синонимик қаторига эътибор берайлик. Ундаги *баланд* сўзи лексик маъноси “меъёрдан ортиқлик”ни ўз кўламида ифодалаган бўлса, *бўйчан* сўзидаги прагматик семада “нисбатан камроқ” *новча* сўзидаги прагматик семада “кўзга ташланар даражада ортиқ”, *дароз* сўзидаги прагматик семада “жуда ортиқ”, *дов* сўзидаги прагматик семада “беўхшов ортиқ” ҳолатда ифодаланган. Кейинги синонимлар белги даражасини ўзидан аввалгига нисбатан орттириб борган. Белгилар ифодасида экспрессивлик бўлган.

3.Услубий синонимлар маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлиб, у билан воқеланган сўзлар муайян бир ижтимоий қатламга мансублигига кўра ўзаро фарқланади²³. Семантик синонимларнинг бу кўриниши қайси нутққа хослиги билан ўзаро семантик тафовутга эгаллигига кўра айрим адабиётларда нутқий синонимлар деб аталган²⁴. Ўша адабиётда *чиройли*, *гўзал*, *кўҳли* синонимик қатори берилиб, таҳлил этилган. Уларнинг биринчиси умумлексикага, иккинчиси поэтик нутққа, учинчиси

²³ Орифжонова Ш.А. Ўзбек тилида луғовий градуонимия: Филол. фан. номзоди дисс. автореферати. – Тошкент, 1996, 6-б.

²⁴ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар, 31-б.

сўзлашув нутқига оид, деб кўрсатилади. Бу синонимик қатордаги сўзлар семантик тафовути ҳам услубий синонимларга берилган мезон учун мосдир.

4.Узви таъкидли синонимлар маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлиб, шу ядро семалардан қайси биридир таъкид олишига кўра ўзига хос бўлади. Аниқроғи, синонимик қатордаги сўзлар лексик маъноси ядро семаси айти бир хил эканлиги билан характерланади, лекин шу ядро сема таркибидаги семаларга қаратилган таъкид турлича бўлади. Масалан, *боқмоқ*, *қарамоқ*, *кўрмоқ* синонимик қаторидаги сўзлар лексик маъноси, яъни семемаси “нигоҳни объектга тўғриламақ”, “туширмақ”, “сезмақ” семаларидан иборат. Сўз лексик маънолари коммуникацияда ундан ташқари коннотатив маъноларни ҳам воқелантиради. Лекин лексема семемасининг бу ядро семаси шу семалардан ташкил топган бўлади. *Боқмоқ* феъли лексик маносида 1-сема, *қарамоқ* феълида 2-сема, *кўрмоқ* феълида 3-сема ўз таъкидига эга, сўз лексик маъносининг ядро семалари таркибида диққат марказига чиқарилади. Яъни *боқмоқ* феълида нигоҳнинг объектга тўғриланганлиги асосий эътиборда бўлиб, *қарамоқ* феълида нигоҳнинг объектга туширилганлиги, *кўрмоқ* феълида нигоҳнинг объектни ҳис этганлиги аҳамиятли ҳисобланади. *Боқмоқ* феъли тилда нофаоллиги, *кўрмоқ* феъли ўтимлилиги билан бошқаларидан фарқланади.

5.Нофаол синонимлар маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлади, лекин синонимик таркибдаги бир сўз маълум сабабга кўра нофаол ҳолатга кўчади. Бунинг сабаби ё сўз эскирган, ё диалекталлиги билан боғлиқ. Масалан, *ниёз* сўзининг *сўгон*, *нерв* сўзининг *асаб* семантик синонимлари бор. Бироқ улар архаиклашиб қолгани учун нофаол ҳолда, айрим мақоллар, топишмоқлар, парафразалар таркибидагина қўлланади. А.Ҳожиевнинг қайд этишича, *овоз*, *товуш*, *ун*, *садо*, *сас*, *нидо*

семантик синонимларидан *сас* сўзи; *изламоқ*, *қидирмоқ*, *ахтармоқ*, *истамоқ* синонимик қаторидан *истамоқ* сўзи диалектал, нофаол ҳолда учрайди²⁵.

М.Миртожиев таъкидлаганидек, семантик синонимлар беш кўриниш: идеографик, эмоционал-экспрессив, услубий, узви таъкидли ва нофаол синонимларга бўлинади. Идеографик синонимларнинг лексик маъноси бири иккинчисидан ифодаси кенглиги, эмоционал-экспрессив синонимларнинг эмотив ё экспрессив семалари турлилиги, услубий синонимларнинг турли нутққа хослиги, узви таъкидли синонимларнинг турли семасига таъкид тушиши, нофаол синонимларнинг бири архаик ё диалекталлиги билан улар ўзаро фарқланади²⁶.

Сўзларнинг ўзаро синоним бўлишида улар лексик маъноси ўртасидаги семантик муносабат мезон вазифасини ўтайди. Лексик маъноси бўлмаган сўзлар ҳам синоним бўлиши мумкин. Масалан, *бироқ*, *аммо*, *лекин* сўзлари, яна ҳам аниқроғи, боғловчилар ўзаро синонимдир. Улар ўзаро синтактик вазифаси, гапларни ўзаро семантик боғлашига кўра айнан бир хил. Шунга кўра, улар ўзаро *абсолют* синонимдир. Чунки абсолют синоним ўзаро семантик ва грамматик жиҳатдан айнан бир хил бўлган бирдан ортиқ сўзлар ҳисобланади.

Ш.Раҳматуллаев идеографик синонимлар учун *керак*, *лозим* сўзларини келтиради²⁷. Бу сўзлар ҳақиқатда ҳам модаллик семантикасига кўра бир хил. Лекин экспрессивликка кўра *керак* сўзига нисбатан *лозим* сўзи кучли, яъни даражаланиш бор. Булар ёнига яна *шарт*, *зарур* сўзларини ҳам қўйиш мумкин. Улар семантикаси ҳам *керак*, *лозим* сўзлари семантикаси билан бир хил. экспрессивлиги эса *лозим* сўзидагига нисбатан *шарт* сўзида, *шарт* сўзидагига нисбатан *зарур* сўзида кучлироқ. Шунга кўра, бу сўзлар қаторини

²⁵ Ҳожиев А. Семасиология.// Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – 198 бет.

²⁶ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. - Тошкент: “Mumtoz so`z”, 2010, 213-б.

²⁷ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975, 30-б.

семантик синоним деб бемалол айтиш мумкин. Лекин улар идеографик синоним эмас, эмоционал-экспрессив синоним деб қаралади. Чунки синонимик қаторнинг белгини даражалаб кўрсатиши фақат эмоционал-экспрессив синонимларга хос.

Демак, семантик синонимнинг ташкил топиши учун сўзлар лексик маъноси бўлса ҳам, коннотатив маъно бўлса ҳам, ҳуллас, ҳар қандай семантикасига кўра бир хил келиши катъий мезондир.

М.Миртожиев синонимларнинг хусусиятларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосани билдиради: Синонимлар икки тип: 1) **абсолют синонимлар**, 2) **семантик синонимлар**га ажралади. Семантик жиҳатдан айнан бир хил сўзлар абсолют синонимлар бўлиб, ядро семаларига кўра лексик маънолари бир хил бўлган сўзлар семантик синонимлардир. Синонимлар айти бир тил вакилида айти бир даврда қўлланадиган бир туркум доирасидаги сўзлардан ташкил топади. Улар чет тилидан, шевалардан адабий тилга сўз ўзлаштириш ҳисобига бойийди. Абсолют синонимлар асосан терминлардан иборатлиги ҳолда, тилда узоқ яшамайди. Семантик синонимлар яна сўз яшаш, полисемантиклик, маъно тараққиёти ҳисобига ҳам юзага келади. Синоним таркибидаги сўз лексик маънолари жинс ва тур ифодасига эга бўлиши ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан номос келиши мумкин эмас. Семантик синонимлар лексик маъноларидаги фарқли семаларига кўра идеографик синоним, эмоционал-экспрессив синоним, услубий синоним, узви таъкидли синоним, нофаол синонимларга бўлинади. Синонимик қатор таркибидаги лексик маъноси ядро семаларидангина иборат сўз доминанта бўлиб, у билан ядро семалари бир хил, лекин қолган семалари фарқ қиладиган лексик маъноли сўзлар гуруҳи синонимик қатор дейилади²⁸.

²⁸ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. - Тошкент: "Mumtoz so'z", 2010, 214-215-б.

О.Охунжонова синонимик қаторга кирувчи сўзларнинг **кенг ёки тор** тушунчани ифодаловчи фарқларга она тили таълими тизимида қай даражада эътибор берилганлигига кейинги йилларда яратилган дарсликларни таҳлил қилиш асосида баҳо беради. Аниқланишича, аффикслардаги синонимия ходисаси, синтактик синонимия бўйича қилинган ишлар, жиддий асосланган фикрлар бўлишига қарамай, таълим тизимида тадбиқ этилмаган. Тўғрироғи, таълим тизимида синонимларни ўқитиш назарий-амалий асосларга таянилмаган ҳолда олиб борилган. Она тили таълимида "Синонимлар" мавзусининг мундарижасини "Луғавий синонимлар" (тўла ҳолатида), "Аффикслар синонимияси", "Синтактик синонимлар", "Нутқий синонимлар" қисмларидан иборат қилиб белгилаш лозимлиги кўрсатилган. Олиманинг таъкидлашича, узлуксиз таълимнинг қуйи босқичида (5-, 9-синфлар) "Синонимия" мавзусини ўқитиш асосан 5-синфда белгиланган бўлиб, баъзи IX синфлар учун мўлжалланган "Она тили" дарсликларининг "Нутқ маданияти ва услубияти" бўлимларида бу ходисага қисман тўхталиб ўтиш режалаштирилган.

9-синфлар учун тузилган бошқа дарсликларда синонимия ходисаси билан боғлиқ мавзулар берилмаган. М.Асқарова, К.Қосимовалар томонидан тузилган 5-синф учун она тили дарслигида (2005) бу мавзуга бир ўринда лексикология бўлимида махсус дастур (хусусий) мундарижаси ажратилган. Ҳ.Неъматов ва бошқалар томонидан тузилган 5-синф "Она тили" дарслигида бу мавзуга икки ўринда маълумотлар берилган (50-51-бетлар; 100-104-бетлар). Биринчи қисмда бу мавзу асосан қуйидаги мундарижада берилган: берилган сўзлар тагига маънодошларини ёздириш; *билиб олинг* рукнида таъриф; маънодош сўзларнинг 3 жиҳатга кўра фарқланиши: маъно қирраси; услубий баҳоси; нутқий хосланиши... кабилар. Иккинчи қисмда асосан олдинги қисмда олинган билимларни мустаҳкамлаш белгиланган.

Академик лицейлар учун "Ҳозирги ўзбек адабий тили" курси бўйича тузилган дастурда бу мавзуга курснинг "Лексикология" бўлимида "Матндаги

синоним сўзларга диққат қаратиш", "Сифатлар маънодошлиги", "Ясовчи қўшимчалар маънодошлиги" дастури асосида ўрин берилган бўлиб, дастурнинг "Ўтилганларни такрорлаш" қисмида сўз бирикмалари маънодошлиги" мавзуси ўрин олган. Академик лицейларда синонимия ходисаси шу дастур мундарижаси асосида ўтилатгани кузатилади.

Ўзбекистондаги касб-хунар коллежлари учун тузилган "Она тили ва адабиёт" дастурида "Синонимия" ходисаси шаклдошлик, зид маънолилик ва буларнинг сўз қўллаш имкониятларига муносабати, бу ходисаларнинг нотиклик ва бадий санъат усуллари асос бўлишини ўрганиш режлаштирилган²⁹. Маълум бўладики, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида "Синонимия" мавзуси бўйича махсус дастурлар мундарижасини қайта кўриб чиқиш лозим. Уларга жуда оз вақт ажратилган. Мазкур ҳолат ўқувчиларнинг нутқ бойликларини ошириш, намунали нутқ тузиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун тўла имконият бера олмайди.

О.Охунжонова "Ўзбек тилидаги синонимлар таснифи"ни қуйидагича тавсия этади: а) синонимларнинг қайси тил бирликлари оидлигига кўра таснифи; б) синонимларнинг тил ва нутққа муносабатига кўра таснифи. Синонимлар қайси тил бирликлари оидлигига кўра: а) луғавий; б) аффиксал; в) грамматик синонимларга ажратилиши мумкин. Шулардан луғавий синонимларнинг ўзи сўз-синонимлар; фразеологик синонимлар; сўз ва фразеологик синонимлар тарзида гуруҳланиши мумкин. Шу тарзда аффикслар синонимияси ҳам, грамматик синонимлар ҳам ички гуруҳларга ажратиб ўргатилади³⁰.

Олиманинг ушбу фикрларини тўла маъқуллаган ҳолда, синонимлар мавзусини ўрганишда газета матнларидан фойдаланиш ниҳоятда фойдали

²⁹ Асқарова М., Абдуллаев Й., Омилхонова М. Она тили. 8-, 9-синфлар учун дарслик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1997, 221-222-б.

³⁰ Охунжонова О. Таълим босқичларида синонимлар мавзусини ўқитиш методикаси: Педагогика фан.номзоди... дис. автореферати. – Тошкент: 2009, 8-б.

эканлигини қайд этмоқчимиз. Чунки газета матнлари кундалик ҳаётимизни ёритиш билан ўқувчиларга давр билан ҳамоҳангликни бериш ва ижодкорликни тарбиялашда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қила олади.

Синонимларнинг турли хусусиятлари бўйича юқоридаги фикрларга асосланиб, газета матнларида улардан фойдаланиш, синонимларнинг маъно нозикликлари, имкониятларини юзага чиқариш, журналистларнинг маҳоратини ўрганиш газета тили муаммолари орасида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мамлакат ҳаётида демократик тамойиллар чуқурлашгани сари ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам тезлашиб, фуқаролик институтларининг роли ошиб бораверади. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий муносабатларни шакллантиришда муҳим восита вазифасини бажаради. Матбуотнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигига эришиш оммавий ахборот воситаси олдида турган бирламчи вазифа ҳисобланади. Таъсирчанликка эришиш газета ёки журналнинг газетхон ва жамият олдида обрў-эътиборини оширади, жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлайди, бундай нашир ўқувчилар ишончига сазовар бўлади.

Ҳозирги муҳим жараён глобаллашув ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётга, айни вақтда, инсонларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ахборотни холис, таъсирчан етказишда газетанинг роли юксак. Газета тили ахборотни ихчам, мантиқли, холис, таъсирчан ифодалашда ўзига хос хусусиятларга эга. Таъсирчанликни таъминлашда лексик ва фразеологик воситалардан унумли ва ўринли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

2. ГАЗЕТА ТИЛИДА ЛЕКСИК СИНОНИМИЯ

2.1. Газета тилида синонимлар

Газета тилида икки муҳим хусусият - информация, ахборат бериш ва уни таъсирчан етказиш бир-бири билан чамбарчас ҳолда амал қилади. Газета тилида турли жанрдаги материалларнинг мазмунли, аниқ, таъсирчан бўлишини таъминлашда тилнинг бошқа лексик воситалари қатори синоним-лар ҳам муҳим стилистик восита сифатида хизмат қилади. Газета тилида синонимлар фақат такрор ва қайтариқларнинг олдини олишда муҳим лексик восита бўлмасдан, таъсирчанликни таъминлашда ҳам кучли стилистик восита ролини бажаради.

Газета тилида синонимларнинг қўлланиши ва услубий хусусиятларини ўрганишда Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, А.Шомаксудов, М.Миртожиевларнинг тадқиқотларига асосланиш мумкин. Проф. А.Ҳожиевнинг "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати" китоби синонимларнинг маъноси, қўлланиш, доирасини белгилашда асосий манбалардан ҳисобланади³¹.

Синонимик қатордаги сўзлар тушунчанинг белгисини турли даража билан ифодалаши мумкин. Синонимик қатордаги баъзи сўзлар белгини нормал даража билан (нейтрал) ифодаласа, баъзилари кучли даражасини кўрсатиши мумкин; айримлари белгини кучсиз даража билан ифодалайди. Масалан, *овора*, *сарсон*, *саргардон* синонимик қаторида *овора* сўзи белгининг кучли-кучсизлигига нисбатан нейтрал ҳолатда, *сарсон* сўзи белгининг кучлироқ даражасини кўрсатади. *Саргардон* сўзида эса белги даражаси яна ҳам кучлироқ. *Яхши*, *дуруст*, *тузук*, *бинойи* синонимик

³¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

қаторида *дуруст, тузук, бинойи* сўзлари белгини яхши сўзидагига нисбатан кучсиз даражада ифодалайди.

Синонимик қатордаги сўзлар эмоционал бўёқдорлигига кўра ўзаро фарқланиши мумкин: эмоционал бўёқли ва эмоционал бўёқсиз сўзлар. Эмоционал бўёқли сўзлар салбий ёки ижобий ҳис-ҳаяжонни ифодалашига кўра икки турга: ижобий эмоционал бўёқли ва салбий эмоционал бўёқли сўзларга бўлинади. Масалан, *юз, бет, афт, башара, турқ, чехра, жамол* синонимик қаторида *юз* - нейтрал, *башара, турқ* - салбий эмоционал бўёқли, *чехра, жамол* ижобий эмоционал бўёқли сўзлардир.

Синонимик қатордаги сўзлар нутқнинг бирор турига, услубига хослиги жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, *совға, ҳадя, тортиқ, армуғон, туҳфа* синонимик қаторида *туҳфа* ва *армуғон* сўзлари китобий услубга хос. *Ўпич, бўса, муччи* синонимик қаторида *бўса* поэтик услубга хос, *муччи* эса фольклор асарларида учрайди.

Синонимик қатордаги сўз ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан эскирган бўлиши мумкин. Масалан, *хурсандлик, севинч, қувонч, шодлик, сурур* қаторида *фараҳ, беҳбудлик* сўзлари эскирган сўзлардир. *Фойда, наф, манфаат, ҳаён* синонимик қаторида *ҳаён* эскирган сўз.

Синонимик қатордаги сўз адабий тилга ёки диалектларга хос бўлиши мумкин. Масалан, *овоз, товуш, садо, сас* синонимик қаторида *сас* сўзи; *қидирмоқ, ахтармоқ, изламоқ, истамоқ* қаторида *истамоқ* сўзи диалектал сўз ҳисобланади.

Синонимик қатордаги сўзлар кўп ёки оз қўлланишига кўра ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, *мақсад, ният, муддао, мурод, қасд* синонимик қаторидаги *мақсад* ва *ният* сўзлари қолганларига нисбатан кўп қўлланади. *Бошқа, бўлак, ўзга* синонимик қаторидаги *бошқа* сўзи қолган икки сўзга нисбатан кўп қўлланади.

Ифодалайдиган тушунча доираси кенг бўлган, белгини нормал даражада ифодалайдиган, эмоционал бўёққа эга бўлмаган, ҳозирги адабий тилга мансуб бўлган сўз синонимик қатордаги бошқа сўзларга нисбатан кўп қўлланади. Бу кўрсатиб ўтилганлар синонимик қатордаги сўзларнинг кўзга яққол ташланадиган энг муҳим белгиларидир. Синонимлар бир умумий маъно ифодаласалар-да, лекин кўриб ўтилган ва бундан бошқа ўзаро фарқли хусусиятлари сабабли уларнинг ҳар бири тил (нутқ) да ўз қўлланиш ўрнига эга бўлади.

Синонимик қаторнинг чегарасини (бир синонимик қаторга кирувчи сўзлар миқдорини) белгилаш учун, аввало, шу синонимик қатордаги бош сўзни аниқ белгилаш лозим бўлади. Бош сўз, аввало, синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган маънони аниқ ифодалайдиган сўз бўлади. Масалан, *бало, уста, устамон, билагон, билармон, чечан, эпчил, чаққон, уддабурон* сўзларининг ҳаммаси «чаққонлик ва ўринлатиб бажариш маҳоратига эга» деган маънони билдира олади. Шу маънони бу синонимик қатордаги сўзлардан *бало* сўзи жуда аниқ ифодалайди. Бошқаларининг ўзаро синонимлиги ҳам худди шу *бало* сўзига қиёслаш орқали белгиланади.

Бош сўз, одатда, ҳозирги адабий тилга мансублиги, эмоционал бўёқ ва услубга кўра нейтраллиги, кўп қўлланиши билан характерланади. Масалан, *чиройли, гўзал, ҳусндор, ҳуснли, хушрўй, кўҳлик, кўркам, барно, зебо, сулув, латофатли, соҳибжамол* синонимик қаторида чиройли сўзи худди шундай хусусиятга эга бўлган сўздир.

Маълумки, синонимик қатордаги ҳар бир сўзга қарата билдрилган фикр-мулоҳаза шу сўзни қўллашда амал қилинадиган қатъий ҳукм деб эмас, балки тавсиялар деб қаралиши лозим. Масалан, *аввал, илгари, олдин, бурун*, сўзлари «ўтган вақтлар(да), ҳозирги вақтга қадар» маъносини билдиради. Булардан *илгари* сўзи *аввал, олдин* сўзларига нисбатан узоқроқ ўтмишни билдиради. *Бурун* сўзи илгари сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни, *қадим*

сўзи *бурун* сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни билдиради. Лекин бу нисбатан яқин ўтмишни ифодалашда *аввал*, ундан узоқроғини ифодалашда, албатта, *илгари*, ундан ҳам узоғини ифодалашда, албатта, *бурун*, яна ҳам узоғини ифодалашда, албатта, *қадим* сўзи қўлланади деган гап эмас. Ҳар қандай узоқ ўтмишни ифодалашда *аввал*, *илгари* сўзларидан фойдаланиш мумкин. Лекин *илгари*, *бурун*, *қадим* сўзлари кўрсатиб ўтилган хусусиятга эга. Нутқда ҳар бир конкрет ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ана шу сўзлардан мувофиғини қўллаш фикрнинг аниқ ифодаси учун маълум даражада ёрдам беради.

Синонимик қатордаги баъзи сўзлар орасидаги фарқли хусусият жуда сезиларсиз, йўқ даражада бўлади. Бундай ҳолларда уларнинг ўзаро фарқли хусусияти ҳақида ҳозирча қатъий бир гап айтмаслик, фақат улар учун умумий бўлган маънонинг изоҳи билан чегараланиш маъқул кўрилди.

Синонимлар газета тилида ҳам муҳим стилистик восита ролини бажаради³². Улар экспрессивликни, таъсирчанликни таъминлаш, ранг-барангликка эришиш, такрор ва қайтариқларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнаган. “Зарафшон” газетасида қўлланилган синоним сўзларнинг хусусиятларини юқорида қайд этилган илмий ишлар, хусусан, проф.А.Абдусайдов тадқиқотларига асосланиб, ёритишга ҳаракат қилдик.

Масалан, *Ватан*, *мамлакат*, *юрт*, *диёр*, *эл*, *мулк* каби синоним сўзларига А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”³³ да қуйидагича таъриф берилган: Киши туғилиб ўсган, ўзи унинг фуқароси бўлган жой, ҳудуд. *Ватан* сўзида фуқаро, халқ тушунчаси, у мансуб бўлган жой тушунчаси билан бирлашган, шунингдек, унда жой (ҳудуд) нинг фуқароси халққа мансублиги, унинг

³² Абдусайдов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд, 1991, 42-55-бетлар.

³³ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати. - Тошкент: Фан, 1963, 74-бет.

яшаш маъноси акс этиб туради. *Мамлакат* кўпроқ адабий нутққа хос бўлиб, унда “яшаш жой” оттенкаси жуда кучсиз, ҳатто йўқ даражада бўлади. Бу сўз умуман бирор халқ ёки халқлар учун умумий (бирлаштирувчи) ҳудудни билдиради. *Юрт* кўпроқ оддий нутққа хос ва маълум жой билан шу жойга мансуб халқни ҳам қўшиб ифодалай олади. Эл нисбатан эскирган, ҳозир кўпроқ поэтик асарларда учрайди. *Диёр* поэтик услубга хос. Бу сўз умуман маълум бир жой маъносида (маълум халққа мансублик тушунчаси) ҳам қўлланади.

Газета тили учун, асосан *мамлакат*, *ватан*, баъзан *юрт* сўзларининг қўлланилиши характерлидир. Мисоллар: *Ватан* азиз жасорат мангу (З., 19.01.2013, 2-бет, сарлавҳа). Шунинг учун ҳам *ватанимиз* мустақиллигининг илк йилларида жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсий даражасига кўтарилди(З., 19.01.2013, 2-бет).

Газета тилида *ватан* синоними асосан хабар жанри тилида қўлланилади. Бу шубҳасиз *мамлакатимизнинг* ҳар жабҳада йилдан йилга барқарор ривожланиб бораётгани ва натижада турмушимизнинг янада обод бўлиб бораётганидан далолатдир (З., 12.03.2013, 1-бет). Бир сўз билан айтганда, *мамлакатимиз* раҳбари ташаббуси ва кўрсатмалари билан қишлоқ жойларда намунавий лойҳалар асосида уй-жойларнинг кенг кўламда барпо этилаётганлиги нафақат бугунни, балки эртасини ўйлаб меҳнат қиладиган халқимиз орзу-истакларининг рўёбидир (З., 12.03.2013, 2-бет).

Кўринадикки, мисолларда *ватан* ва *мамлакат* сўзларини бемалол алмаштириш мумкин, чунки уларда, асосан, бир хил услубий маъно ифодаланган. Аммо ҳамиша уларни ўзаро алмаштириб бўлмайди. Мисол: Европанинг айрим *мамлакатларида* ипотека бозори бугунги кунда тўлиқ тикланмай, молия бозорининг бир қатор тармоқларида боқиманда қарзларнинг кўпайиб бораётгани катта муаммоларни

келтириб чиқармоқда (З., 12.03.2013, 2-бет). Ушбу мисолларда алмаштириш маъно нозиклиги салбий таъсир қилади.

Пухта, пишиқ, мустаҳкам, маҳкам, чидамли синонимик каторига А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”³⁴ да куйидагича таъриф берилган: Бузилиш, йиртилиш кабиларга чидамлилиқ даражаси юқори омонатнинг акси. *Пухта*, пишиқ нарсаларнинг бузилиш, йиртилиш, узулишига чидамлилиқ даражаси юқори деган маънода кенг қўлланилади. *Мустаҳкам* асосан бузилишга чидамлилиқ даражаси юқори деган маънода қўлланади. *Маҳкам* бу маънода кам қўлланади. Мисоллар: *Мустаҳкам* оила пойдевори (З., 10.09.2013, 2-бет, сарлавҳа). Илдизлари *мустаҳкам* дарахт (З., 10.09.2013, 2-бет, сарлавҳа). Отаҳоннинг илдизлари *мустаҳкам*, барчага фойдаси тегаётган дарахтга қиёсланиш келади (З., 10.09.2013, 2-бет). Газета тилида асосан *маҳкам* синоними фаол қўлланилган.

Ростдан, чиндан, ҳақиқатдан, дарҳақиқат синонимик каторга А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да куйидагича таъриф берилган: Ҳақиқий ҳолатда, рости билан, ёлғончининг акси. *Чиндан* сўзи ростдан сўзига қараганда кам қўлланади. *Ҳақиқатдан, дарҳақиқат* сўзлари оддий сўзлашувда *чиндан* сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади. Газета тилида асосан *дарҳақиқат, ҳақиқатдан* сўзлари энг кўп қўлланилувчи синонимлардир. Мисоллар: *Дарҳақиқат*, бунда боғлар турли манзарали дарахт ва гуллар экилган, кўкаламзорлаштирилган маскан ҳисобланади (З., 26.02.2013, 4-бет). *Дарҳақиқат*, анча вақтгача бу ерда эгоизмни фазилят деб ҳисоблайди (З., 24.01.2013, 4-бет). Минотавр ва сиклоплар *ҳақиқатдан* мавжуд бўлганми? (З., 7.02.2013, 5-бет, сарлавҳа). *Ростдан* ҳам, диққат билан кузатсангиз, ёлғончини сўзидан аввал кўзидан билиб олса бўлади (З., 24.01.2013, 4-бет). Бу каби синоним сўзларни оддий сўзлашув нутқимизда ишлатамиз. Газета тилида ҳам бу каби кириш сўзларнинг қўлланиши анча

³⁴ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати. - Тошкент: Фан, 1963, 85-б.

кенг. *Чиндан* ва *ростдан* синоним сўзларни алмаштириб қўллашимиз мумкин. Бу синоним сўзлар газетада самарали ишлатиган.

Аниқ, очиқ, яққол, равшан, ёрқин, ойдин, аён синонимик қаторга А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да қуйидагича таъриф берилган: эшитиш, кўриш, тушуниш жиҳатдан яхши, тўла ифодали. *Аниқ* эшитиш, тушуниш ва кўриш жиҳатдан яхши маъносини ифодалаш учун қўлланаверади. *Очиқ* тушуниш жиҳатдан яхши маъносини билдиради. *Яққол* кўпроқ кўриш ва эшитиш жиҳатдан бўлган белгига нисбатан қўлланади. *Равшан* сўзида белги даражаси кучли ва у ифоданинг эшитиш, кўриш ва тушуниш жиҳатдан тўлалигини билдириш учун қўллана олади. Лекин бу сўз нисбатан кам учрайди. *Ёрқин* ёзма нутққа хос бўлиб, кўриниш ва тушуниш белгисига нисбатан қўлланади. *Ойдин* ифоданинг тушуниш жиҳатдан яхши эканини кучлироқ оттенка билан ифодалайди. Бу сўз *очиқ* сўзи билан жуфт сўз ҳолида (*очиқ-ойдин*) ҳам қўлланади. Газета тилида асосан бу синоним сўзлардан *аниқ* энг кўп қўлланилади. Мисоллар: Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни *аниқ* манзилли асосида ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади (З., 26.02.2013,2-бет). Унга бизга кексалик ёшига етган ҳар бир фуқаро, албатта, моддий таъминотга эгаллигини, *аниқ*роғи пенсия олишни айтганимда кулиб қўя қолди(З., 26.02.2013,4-бет).

Адолат, одиллик синонимик қаторга А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да қуйидагича таъриф берилган: Холис ва ҳаққоний хатти-ҳаракат, ҳолат. *Адолат* асосан қонун-қоида ва умум ишидаги хатти-ҳаракатга нисбатан қўлланади. *Одиллик*, аксинча, оддий муносабатлардаги холис ва одилона хатти-ҳаракат маъносини ифодалашда кўпроқ қўлланади.

Газета материалларида қўлланилаётган бу каби синоним сўзлар унчалик кўпчилиқни ташкил қилмайди. Аммо мазмун жиҳатдан ҳам матнга

мос равишда қўлланилган. Мисоллар: Улуғ салтанат салоҳияти *адолат* ва эзгу ғояларга қурилгани билан қудратли эди(З., 9.04.2015, 1-бет, сарлавҳа). *Адолат* –ҳаётимизнинг бош мезони (З.,28.03.2015,2-бет).

Даволамоқ, тузатмоқ синонимик қаторга А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да қуйидагича таъриф берилган: *Даво* (муолажа) билан касални кетказмоқ. *Даволамоқ* касални кетказишнинг (тузатишнинг) дори-дармон билан бўладиган усулини билдиради. *Тузатмоқ* феъли эса, қандай йўл билан бўлишидан қатъи назар, умуман касални кетказиш, дард-касалдан ҳоли қилиш маъносини билдиради. Мисоллар: Бундай анжуманларда дунё тиббиётида бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, янги кашф қилинган дори-дармонлар, *даволаш*нинг янгича усуллари ҳақида кенг маълумот олишимиз мумкин (З.,9.04.2015,2-бет). Меҳнат фахрийларини стационар ва амбулатория шароитда *даволаш*нинг маълумотлари электрон базаси яратилиб, ҳар ойда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ахборат алмашиш тартиби жорий этилди (З.,17.03.2015, 5-бет).

Ривож, тараққий, тараққиёт, равнақ синонимик қаторга А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да қуйидагича таъриф берилган: (Бирор нарсада) камолот томон ўсиш, юксалиш ҳолати. *Ривож* кенг қўлланади. *Тараққий, тараққиёт, равнақ* маънони ривож сўзига нисбатан кучлироқ даражада ифодалайди. *Тараққий* мустақил ҳолда кам қўлланади. У, кўпинча, *топмоқ, этмоқ* феъллари билан бирга қўлланади: *тараққий топмоқ, тараққий этмоқ* каби. *Тараққиёт* сўзида ҳаракат белгиси кучлироқ бўлиб, кўпинча «ривожланиш» маъносида қўлланади. *Равнақ* китобий.

Суҳбатлашмоқ, суҳбат қилмоқ, ҳасратлашмоқ, отамлашмоқ, ҳангамалашмоқ, гурунглашмоқ, гурунг қилмоқ синонимик қаторга А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да қуйидагича таъриф берилган: Гап-суҳбатда бўлмоқ. *Ҳангамалашмоқ, гурунглашмоқ*

сўзлари одатда бирдан ортиқ киши ўртасида бемалол, роҳатланиб ўтириб бўладиган суҳбатлашишни билдиради. *Отамлашмоқ* кўпроқ оддий сўзлашувга хос бўлиб, одатда эзилиб (ёзилиб) ўтириб бўладиган давомли суҳбатни билдиради. *Ҳасратлашмоқ*да оддий суҳбат эмас, балки дард-хасрат айтишиш ҳам бўлади. Газета тилида асосан *суҳбатлашмоқ* синоним сўзи энг фаол қўлланилган. Мисоллар: Анчадан буён кўришмаганимизга суҳбатимиз қур олиб мириқиб *гурунглашдик* (З., 8.06.2014, 1-бет). Меҳмонлар ҳар бир объектнинг қурилиш тарихи, бугунги ҳолати ҳақида гид-экскурсоводнинг сўзларини тинглаш баробарида, маҳаллий саёҳлар билан ҳам *суҳбатлашиб*, самимий муносабатларини ифода этишга ҳаракат қилишарди (З., 14.03.2015, 3-бет). Турли миллат вакиллари билан *суҳбатлаша* олиш қобилияти бор экан, ўша халқнинг руҳияти, дунёқараши, маданияти ҳақида тушунчага эга бўлиб бораверасиз (З., 18.02.2012, 2-бет). Мисоллардан ҳам маълум бўлдики, *суҳбат* синоним сўзи билан *гурунглашмоқ* сўзлари ўз маъно мазмунига кўра қўлланилган. Умуман, газета материалларида синоним сўзлар маъноларига кўра жанрлар талаблари асосида қўлланилган. Аксарият ҳолларда уларнинг маънолардан ўринли фойдаланилган.

2.2. Сифат туркумига оид синонимлар

Газета турмушимиз кўзгуси сифатида ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, уларнинг мазмун-моҳияти, муаммо ва уларнинг ечими ҳақида ахборот бериш, инсонларнинг муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, у ёки бу муаммо тафсилотлари, инсонларнинг жамият ҳаётидаги дахлдорлиги, ўзаро муносабатлари ва бошқаларга баҳо беришда маълум бир мезонларга амал қилинади. Ана шу мезон – ўзига хос баҳо синонимлар, айниқса, сифат сўз туркумига оид синоним сўзлар орқали амалга оширилади.

Маълумки, синоним сўзлар грамматик-структур ва семантик-стилистик хусусиятларига биноан бир неча гуруҳларга ажратилади. Шулардан бири сифат сўз туркумига оид синоним сўзлардир.

Улуғ, буюк, азим, азамат, улкан сўзларининг белги даражаси нисбатан кучли. *Улуғ, буюк, улкан* кабиларнинг ишлатилиши газета тили учун характерлидир. Мисол: *Улкан* ишлаб чиқариш цехи ўқида айланаётган, ҳаракатланаётган юзлаб-минглаб механизмларнинг бир маромдаги секин гувиллаши билан тўлган (3.,11.10.2014, 2-бет). Самарқанднинг дунёга машҳур тарихий обидалари ва муқаддас зиёратгоҳлар, мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, боғ ва хиёбонларни томоша қилиш жараёнида меҳмонлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қисқа фурсатда асрларга татигулик *улкан* бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини эътироф этдилар (3.,31.08.2014,2-бет). *Буюк* келажакимиз давомчилари жажжи болакайларнинг чиқишларида қадимийлик, халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатларини ўзида мужассам этган Наврўзнинг чинакам таровати акс этди (3., 24.03.2015,2-бет). Жумладан, тизимда олиб борилаётган ислохотлар натижасида *буюк* келажакимиз ворислари бўлган ёшларимиз вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсдаги фан олимпиадалар, спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар (3., 1.10.2015,3-бет). *Буюк* ва муқаддас ватаннинг *улуғ* байрами (3., 3.09.2014, 2-бет). Айниқса, охириги мисолда синоним сўзларнинг имкониятидан жуда ўринли фойдаланилган.

Улуғ ва *буюк* сўзлари, асосан репортаж, мақола, лавҳа жанрларида учрайди. Бу сўзлар маъносининг деярли бир хиллиги, ҳар иккаласининг ҳам кучли оттенкага эгалиги уларни ўзаро алмаштириш имконини беради. Мисоллар: Ота-боболаримиз, *улуғ* аجدодларимиз изидан бориб, ўз иқтидори, салоҳияти билан дунёга танилаётган фарзандларимиз қанчадан-қанча (3.,30.01.2015,3-бет).

Қуйидаги мисолда эса *улуғ* сўзини *буюк* билан алмаштириш мумкин эмас, чунки унда ёши катта инсонлар ҳақида фикр юритилапти. Мисол: Ёши *улуғ* кишилар яхши билишса-да бу гапларни энди ёшларимиз кулоқларига такрор ва такрор айтиб турмоғимиз лозимга ўхшайди (3.,30.01.2015, 3-бет).

Қуйидаги мисолда “*улуғ*” сўздан кўра “*катта*” сўзини ишлатиш маънони аниқ ифодалашга хизмат қилади. Чунки бу мисолда катта ёшдаги кишилар назарда тутилмоқда: Тўйхоналарни айтмайсизми? Ёши *улуғ* одамлардан кўра, ҳали йигирмага тўлмаган ёшлар кўп. Улар то тонгга қадар давом этадиган базмларда сиз-у биз билан бемалол ўтириб “отам”лашади (3.,30.01.2014, 2-бет).

“Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати”да қайд этилишича, *улкан* эскирган. Лекин бу сўз газета тилида нисбатан фаол қўлланади. *Улкан* сўзи хабар, мақола, репортаж, очерк ва лавҳалар тилида учрайди. Бу сўзни кўпинча *катта*, баъзан эса *улуғ*, *буюк* билан алмаштириш мумкин. Журналистлар *улкан* сўзини, маъно оттенкасини алоҳида ҳисобга олган ҳолда, усталик билан ишлатишган. Мисоллар: Азалдан йилбоши, одамларга қувонч бағишловчи байрам сифатида нишонланиб келинаётган мазкур қадриятимизнинг тикланиши ҳамда янгича мазмун ва моҳият касб этаётгани халқимизни *улкан* ютуқлар, зафарлар сари (3., 24.03.2015,3-бет). Улар орасида *улкан* муваффақиятларга эришаётганлар, оиласи билан бир қаторда жамиятнинг ҳам юкини енгил қилаётганлар кўпчиликини ташкил этади (3., 8.03.2015,3-бет).

Маълумки, ҳажм-ўлчов билдирувчи сифатлардан катта сўзи ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркибида кўп қўлланадиган ва барчага маъноси тушунарли фаол сўзлар сирасига киради. *Катта* сўзи «ҳажми, ўлчами нисбатан ортиқ, улкан» маъносини англатади. Ушбу лексема *улуғ*, *зўр*, *азим*, *азамат*, *улкан*, *баҳайбат*, *ҳайбатли*, *йирик*, *гигант* сўзлари билан синоним бўлиб, ҳажм-ўлчовнинг одатдагидан ортиқлиги маъносини билдиради.

Катта сўзи кенг тушунчага эга. У аниқ, шунингдек, мавҳум тушунчаларга нисбатан қўлланади.

Катта сўзи стилистик бўёққа бой сўзлардан бўлиб, хилма-хил эмоционал-экспрессив маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, «даража кучи юқори, буюк, зўр» маъносида ишлатилади: Кўринишидан полвонлар катта ниятлар билан келибди. «Ёш жиҳатдан улуғ, ортиқ» маъносини беради: *Катта* келин астагина ўрнидан турди. Мазкур сифат «юқори лавозимдаги» маъносида ишлатилади: Шаҳар маъмуриятининг *катта* раҳбарлари ташриф буюришди.

Газета матнларида *катта* сўзининг қўлланиши жуда кўп учрайди. Мисоллар: Кўрғазманинг очилишида Ўзбекистонлик санъаткорлар томонидан тақдим этилган миллий мусикий дастур ва ранг-баранг рақслар, ўзбек миллий либослари намоиши ҳам меҳмонларда *катта* қизиқиш уйғотди (З., 3.11.2013,2-бет). Бой тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорида *катта* обрў қозончилик ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш имкони яратилган (З., 3.11.2015,4-бет). Маросимда фестивал ғолиблари ва юртимиз санъат усталари томонидан катта концерт намоиш этилди (З.,31.08.2014,2-бет). Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши ва бу йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди (З., 24.03.2012).

Газета тилида *қийин* синонимик қаторининг қўлланилиши ҳам характерлидир. Бу қаторда *мушкул, маҳол, оғир, машаққатли, сермашаққат, амри маҳол, душвор* кабилар мавжуд бўлиб (А.Ҳожиев луғати, 253-бет), газета тилида, кўпинча, *қийин, оғир, машаққатли* ишлатилган. Баъзан кучли маънога *мушкул* сўзи ҳам учрайди. Мисоллар: Қоғозларга гул соламиз. Нақшлардаги рангларни ўсимлик ва мева пўчоғи ва Обираҳмат сувидан тайёрлаймиз, - дейди Малика Тўраева. Кузатиб турган киши учун бироз *қийин* туюлиши мумкин (З.,15.01.2013). Наҳотки, ҳали навниҳол бу

болаларни тартибга чақириш, керак бўлса, даkki бериш, жамоатчилик олдидан изза қилиш қийин бўлса (З.,30.01.2012).

2.3. Газета тилида жуфт синонимлар

Жуфт сўзлар, хусусан, жуфт синонимларнинг ўзига хос стилистик маъно нозикликлари мавжуд. Газета тилида *мазмун-моҳият, обрў-эътибор, ҳурмат-эътибор, хоҳиш-истак, тартиб-интизом, ахлат-чиқинди, ҳалол-нокиза, сарф-харажат, камчилик-нуқсон// камчилик-қусур // хато-камчилик, чора-тадбир, қўллаб-қувватлаб, гайрат-шижоат* ва бошқа жуфт синонимлар фаол ишлатилмоқда. Мисоллар: Давлатимиз раҳбари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларни кутлар экан, мазкур фестивалнинг *мазмун-моҳияти*, бетакрор руҳи, қиёфаси ва шарқона фалсафаси ҳақида тўхталди, фестивал иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади (З.,27.08.2012). Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан миллий-диний кадриятларимизни *асраб-авайлаш*, исломнинг маърифий ғояларини ривожлантириш, диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда (З., 22.10.2011). Бу юртдошларимизга муқаддас ибодатларини *тўла-тўқис* амалга оширишлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган яна бир қулайликнинг ёрқин ифодасидир (З., 22.10.2011). Ер юзининг турли минтақаларида бой тарихий-миллий мусиқа ва қўшиқчилик анъаналарини *асраб-авайлаб*, давом эттириб келаётган ижодий гуруҳ ва ансамбллар ўз дастурлари билан иштирок этмоқда (З., 27.08.2012). Тўхта, болакай бу йўлдан қайт! Замон сеники, ёрқин келажак сеники, Ватан сеники! Сен *эл-юртга*, орзу-умидларингга эга (З.,30.01.2010). Форум давомида ёшларнинг бу каби фикр ва таклифларига вилоят ҳокими З.Мирзаев, "Келажак овози" ЁТМ бошқаруви раиси К.Бекназаров, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони маъсул ходими Р.Комилов ва бошқалар аниқ жавоб бериб, уларни *қўллаб-қувватладилар*. Акция давомида барча

тадбирлардаги сингари форумда ҳам энг яхши рационализаторлик таклиф муаллифлари тақдирландилар (3.,12.04.2012). Иккинчидан, маҳалла-қўй, қўни-қўшни ҳушёр бўлмоғи талаб этилади. Қўшни боласининг *феъл-атворини* билмаган ҳамсоялар, оқсоқоллар камдан кам топилади. Уларнинг кучидан, мададидан фойдаланмоқ керак (3.,30.01.2010). Бош Қомусимизга мувофиқ юртимизда виждон эркинлиги ҳуқуқий асослангани боис, ҳар йили юртдошларимиз муқаддас ислом динининг барча арконлари, хусусан, Ҳаж зиёратини *эмин-эркин*, қаноат ҳамда шукроналик билан адо этишаётир (3., 22.10.2011). Вилоят жамоатчилик вакиллари бўлажак ҳожиларнинг ибодатларини тўла-тўқис адо этиш борасидаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилиб, озод ва фаровон юрт фуқароси сифатида мамлакатимиз *обрў-эътиборини* зиёда қилишларига ишонч билдиришди (3., 22.10.2011). Соғлом турмуш тарзимизга чанг солаётган бундай *бало-қазога* ўзини ураётган ёшларимизни тўғри йўлга солиш, жамиятимиз учун билимли, ақли расо, маънан етук авлодни тарбиялаш ҳамда азбаройи асраб қолиш учун ҳам юқоридаги далилларни етказдик (3.,30.01.2014). Турли мавзуларда *баҳс-мунозарага* киришадиган ёшлар ўз доирасида, журналистикага қизиққанлари яна бир гуруҳда, соғлом турмуш тарафдорлари, чет тилини ўрганаётганлар - хуллас, кўзлари чакнаб турган йигит-қиз борки, бу ерда ўзига мос гуруҳни топиб, қизиқишлари доирасида янгиликлардан бохабар бўлди, кимгадир ўргатди, кимдандир ўрганди (3.,12.04.2015). Хиёбон-у кўчалар болакайларнинг *шўх-шодон* кулгулари билан тўлди (3., 24.03.2014).

Жуфт синонимлар маънони кучайтириш, фикрни таъсирчан ифодалашда муҳим восита эканлигини гапда якка ҳолда қўлланган қуйидаги мисол билан қиёслаш орқали ҳам билиб олиш мумкин: Болажонларнинг шўх кулгулари билан яна ҳам жозибали янграган *куй-қўшиқлар*, фольклор жамоаларининг миллий урф-одат ва анъаналаримиздан иборат дастурлари, спортчи ва ҳарбийларнинг чиқишлари, пойтахтдан келган ҳамда самарқандлик санъаткорларнинг ватанимиз мадҳ этилган, унинг меҳнаткаш

инсонлари улуғланган ва тинчлик тараннум этилган наволари, умуман, шу куни "Мўжиза"дан таралган ҳар бир оҳанг унутилмас таассуротларга бой бўлди. Унинг шукуҳи диллардан-дилларга кўчди (З., 3.09.2011). Қиёс: шўх // шўх-шодон.

Синонимларнинг газета матнларида муҳим стилистик восита сифатида материалларнинг таъсирчанлиги, фикрнинг эмоционал-экспрессив бўёқдорлиги учун хизмат қилади. Уларнинг маъно нозикликлари, имкониятларини юзага чиқариш журналистларнинг маҳоратига боғлиқ. Бу соҳада “Зарафшон” газетасида катта тажриба тўпланган.

3. ГАЗЕТА ТИЛИДА ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМИЯ

3.1. Фразеологик синонимлар ҳақида

Ҳар бир тил ўзининг бой синонимик воситаларига эга. Луғавий, грамматик, фразеологик синонимлар тилнинг бебоҳо бойлиги саналади. Бу бойликдан ўринли ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш нутқнинг таъсирчан ҳамда ифодали бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам шоир ва ёзувчилар, машҳур сўз усталари, журналистлар тилнинг синонимик бойлигидан ўринли фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келганлар.

Маълумки, “фразеология” атамаси юнонча “фраза” (ифода, нутқ ўрами) сўздан олинган бўлса-да, туркийшуносликда дастлаб бу атама турлича маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган. Масалан, тадқиқотларда қайд этилишича, XIX асрда яшаган туркийшунос олим Мирза Козимбек ўша давр анъаналаридан келиб чиқиб, рус тилида ёзилган бошқа тасвирий грамматикаларда бўлгани сингари ўз асарида “фраза” сўзини “жумла”, “гап” маъносида қўллаган. “Фразеологик бирикма” дейилганда эса сўздан йирик тил бирликларини тушунган. У туркий тиллардаги феъллар ҳақида маълумот берар экан, *гам емоқ, вужудга келмоқ, гусса емоқ* сингари тил бирликларини “таркибли феъллар” деб изоҳлаган.

Ўзбек тилшунослигида фразеология соҳаси жуда яхши ўрганилган. Бу соҳада эришилган ютуқлар Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев асарларида ҳолисона юқори баҳоланган. Турли луғатларда фразеология соҳасида эътиборга молик материаллар учрайди. *Фразеологизм, фразеологик*³⁵ *бирлик, фразема* - икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган, маъновий жиҳатдан ўзаро боғлиқ сўз бирикмаси ёки гапга тенг келадиган, яхлитлигича кўчма маънода қўлланадиган ва бўлинмайдиган, барқарор (турғун) боғланмаларнинг умумий номи. Флар, шаклан ўзларига ўхшаш

³⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 330-б.

синтактик тузилмалардан фарқли равишда, нутқда сўзларни эркин танлаш, алмаштириш йўли билан юзага келмайди, балки маъно ва муайян лексик грамматик таркибли, аввалдан тайёр материал сифатида қўлланади, яъни Ф. таркибидан бирор қисмни чиқариб ташлаш, тушириб қолдириш мумкин эмас: *анқонинг уруги, арпасини хом урмоқ, чучварани хом санамоқ, терисига сизмай кетмоқ, капалаги учмоқ, кўнгли жойига тушмоқ, қўли очик, қулоғи оғир* ва бошқалар.

*Фразеология*³⁶(юн. ифода, ибора ва ...логия) - 1) тилшуносликнинг тилнинг фразеологик таркибини (фразеологизм) унинг ҳозирги ҳолатида ва тарихий тараққиётида текширувчи бўлими; 2) муайян тилдаги фразеологизмлар мажмуи. Тилшунослик бўлими сифатидаги Ф.нинг асосий диққат-эътибори фразеологизмлар табиатини ва уларнинг категориал белгиларини ўрганишга, шунингдек, фразеологизмларнинг нутқда қўлланиш қонуниятларини аниқлашга қаратилади. Ф.нинг энг муҳим муаммоси фразеологизмларни нутқда ҳосил қилинадиган (яъни аввалдан тайёр бўлмаган) сўз бирикмаларидан фарқлаб, ажратиб олиш ва шу асосда фразеологизмларнинг белгиларини аниқлашдир.

Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографиясида фразеологик синонимлар таҳлилидан кейин чиқарган қуйидаги илмий хулосаси эътиборлидир: “Ҳар бир фразеологик синонимга тўғри ва тўлиқ характеристика бериш учун уни синонимия уяси ичида олиб, бошқа синонимлари билан қиёслаб ўрганиш зарур. Бунда синонимлар турли-туман нуаталардан текширилади, улар орасидаги ўхшашлик ҳам, фарқлар ҳам таъкидланади. Синонимлар орасида фарқлар қанча оз бўлса, уларни нутқда бир-бирининг ўрнида ишлатишга имконият ортади ва, аксинча бўлса,

³⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 332-б.

бундай имконият озяди. Қайдаражада бўлмасин, синонимларни ўзаро алмаштиришга йўл қўювчи контекст мавжуд бўлади...³⁷.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида фразеологик синонимия масалалари атрофлича ўрганилган. М.Вафоевнинг “Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили”³⁸ номли номзодлик диссертациясида келтирилган обзорда кенг маълумотлар берилган. М.Вафоевнинг номзодлик ишида қайд этилишича, ўзбек тилшунослигида фразеологияга доир дастлабки ишлар XX асрнинг 50-йиллари бошида юзага келган бўлса, фразеологик синонимларни ўрганиш 60-йиллардан бошланди. Ш.Раҳматуллаев 1966 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси, шу асосда нашр этилган “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографияси билан ўзбек тилидаги фраземаларни луғавий бирлик сифатида ўрганишни асослади.

Маълумки, синонимия тил бирликлари орасидаги семантик микросистемалардан бири бўлиб, лексемалар, морфемалар билан бир қаторда, иборалар орасида ҳам анчагина. Икки иборани ўзаро синоним дейиш учун улар айти бир маънони англатиши шарт. Бусиз синонимия ҳақида гапириб бўлмайди. Айти бир маънолилик тенг маънолилик эмас, албатта. Ҳар бир синоним, шу синонимия қатори учун умумий маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эга бўлиши мумкин.

Синонимлар, одатда, бир ёки бир неча жиҳатдан фарқланади, шулардан бири маъно қиррасидаги фарқ бўлиши мумкин³⁹. Масалан, *ер билан яксон*

³⁷ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. - Тошкент: Фан, 1966, 131-б.

³⁸ Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол.фан. дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. - 26 б.

³⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. - Тошкент: Фан, 1966. – 131 б.

бўлмоқ - *ер билан яксон қилмоқ* ибораси *кўлини кўкка совурмоқ* - *кўли кўкка совурилди* иборасига синоним: айти бир маънони англатади («бутунлай емирмоқ, йўқ қилмоқ»). Бу синонимлар, бошқа белги-хусусиятларида фарқ қилишидан қатъи назар, маъно қиррасида фарқ қилади: иккинчисида маъно бир қадар кучли ифодаланади. Шунингдек, *кўнгл(и) бўш* ва *кўнгл(и) юмшоқ* - *юмшоқ кўнгил* иборалари ўзаро синоним бўлиб, «*рахмдил, кўнгилчан*» маъносини англатади; биринчи иборада «*кўнгилчан*»лик маъно қирраси, иккинчи иборада эса «*рахмдил*»лик маъно қирраси устун. Умуман, фразеологик синонимларда фарқли маъно қирралари жуда ранг-баранг бўлиб, конкрет ёндашиб изоҳлашни талаб қилади.

Фразеологик синонимларни белгилашда улар асосида бошқа-бошқа образнинг мавжудлиги ҳисобга олинади. Масалан, *бир оғиз, бир шингил, бир чимдим* синоним иборалари асосида ҳар хил образлар ётади: *сўзлаш органи - узум бошининг бир қисми* - *чимдиб олинadиган миқдор*.

Синоним ибораларни бир иборанинг вариантларидан ажратиш керак. Бунинг учун ибораларнинг сўз-компонентларига диққат қилиш лозим. Лексик таркибида айти бир сўз компонент қатнашмайдиган ибораларнинг синоним экани шубҳа туғдирмайди. Масалан, «бутун тафсилоти билан, майда-чуйдасигача» маъносини англатадиган *ипидан игнасигача, миридан сиригача, қилидан қуйругигача* иборалари ўзаро синоним бўлиб, улар таркибида умумий сўз-компонент йўқ.

Синоним иборалар лексик таркибида бирор компонент айти шу сўз билан ифодаланган бўлиши мумкин. Аммо бунда иборалар таркибидаги бошқа-бошқа сўз билан ифодаланган компонентлар ўзаро синоним бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда бир иборанинг вариантларига тенг бўлади. Масалан, *жон(и)ни ҳовучлаб* ва *юраг(и)ни ҳовучлаб* - синоним иборалар: бир лексик компоненти айти бир сўз билан ифодаланган, иккинчи лексик компоненти эса бошқа-бошқа сўз билан ифодаланган ва булар ўзаро синоним

эмас. *Кунгл(и)га тугмоқ* билан *юраг(и)га тугмоқ* ўзаро бир иборанинг вариантларига тенг. Чунки бир лексик компоненти айна бир сўзнинг ўзи бўлиб, иккинчи лексик компоненти эса ўзаро синоним.

Синонимия — маъно асосида белгиланадиган ҳодиса. Айна бир маънолилиқ моносемантик фразеологик бирликларда ибора билан ибора орасида белгиланади. Агар синонимик муносабатда полисемантик ибора катнашса, иборадан эмас, балки конкрет фразеологик маънодан чиқиб келиб фикр юритиш лозим. Чунки ҳар бир фразеологик маъно ўзича синонимга эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги мумкин. Масалан, моносемантик *тан олмоқ* иборасига полисемантик (уч маъноли) *бўйнь(и)га олмоқ* ибораси биринчи маъносида синоним бўлади. Бу уч маъноли иборанинг иккинчи маъносида синоним йўқ, аммо учинчи маъносида *зимма(си)га олмоқ* ибораси биринчи маъносида синоним (Кейинги ибора уч маъноли бўлиб, қолган икки маъносида синоним йўқ).

Бир синонимик қаторга бирлашувчи ибораларнинг миқдори ҳам ҳар хил: кўпчилиқ синонимик қаторлар икки синонимли; уч синонимли қаторлар ҳам анчагина; тўрт иборани бирлаштирувчи қатор ҳам бор. Масалан, *таъзир(и)ни емоқ* ибораси қатнашадиган қатор икки синонимдан, *эс(и)га тушмоқ* ибораси қатнашадиган қатор эса тўрт синонимдан иборат.

Бир қаторга бирлашувчи фразеологик синонимлар нутқда оз-кўп ишлатилиши жиҳатдан ҳам фарқланиб туради. Масалан, юқорида таъкидланган тўрт синонимлит қаторда уларнинг нутқда учраш нисбати шундайдир.

Синонимликнинг мезонларини аниқ белгиламаслик туфайли яқин маъноли, ибораларни синоним деб тушуниш хавфи туғилади. Масалан, *авзо [ў] (и) бузилди* ва *кайф(и) бузилди* иборалари жуда яқин маънони англатади: ҳар иккисида ҳам кишининг руҳий ҳолатидаги ўзгариш кўзда тутилади. Чуқурроқ ёндашсак, биринчи иборада кишининг ташқи қиёфасида таҳдид, ҳужумкорлик аломатлари пайдо бўлгани акс эттирилса, иккинчи иборада

яхши ёки нормал кайфиятнинг ёмон кайфиятга айланиши билдирилади. Бундай яқин маъноли иборалар тилда анчагина бўлиб, уларнинг маъноларини тўғри тушуниб, ҳар бирини ўз ўрнида ишлатиш керак.

“Ўзбек тили жадвалларида” номли қўлланма фраземаларнинг асосий хусусиятларини ёритиш соҳасида тилшунослигимиз учун муҳим қадам саналади, чунки бу асарда фраземалар шакл ва маъносига кўра (фразеологик омонимия, фразеологик синонимия, фразеологик антонимия), синтактик моделига кўра (сўз бирикмаси моделида, гап моделида), қайси сўз туркумига мансублигига кўра (феъл фразеологизмлар, от фразеологизмлар, сифат фразеологизмлар) тасниф қилинган, фраземаларнинг асосий белгилари (такрорийлик, идиоматиклик, барқарорлик, синсемантик), фразеологик синонимлардаги бирлаштирувчи маъно турлари (қувонч, хайратланиш, ачиниш, хафалик, қўрқинч, безовталиқ, масҳара қилиш, ор-номус, изтироб, дўқ-пўпса,) таъкидлаб кўрсатилган. Шу билан бирга, бу ишда фразеологик бирликларнинг умумий маъноси билан қисмларнинг хусусий маънолари ўртасидаги муносабатга кўра анъанавий равишда фразеологик қўшилма, фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишмаларга ажратилган⁴⁰.

Маълумки, тилимизнинг луғат бойлигини сўз ва фразеологизмлар ташкил этади. Луғат таркибида тил бирлиги сўз ҳисобланса, фразеологик тизимида фразеологик бирлик ёки ибора тил бирлиги саналади. Сўз ҳам фразеологизм ҳам луғавий бирликдир. Ҳар қандай тилнинг бойиши фақат янги сўзлар ҳисобига эмас, балки турғун бирикмалар орттириб бориш ҳисобига ҳам содир бўлади.

Сўзлар тўғридан-тўғри предметни номлаб, атаб келса фразеологизмларда кучли образли аташ маъноси англашилади. Умуман олганда, фразеологик маънонинг ҳажми лексик маънонинг ҳажмига нисбатан кенг ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Фразеологизмларнинг

⁴⁰ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. –Тошкент, 2013, 52-б.

имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланиш нутқнинг образлилигини таъминлайди. Газета тилида ибораларнинг ёрқин стилистик маъносини акс эттира олиш, улардан моҳирона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

3.2. Газета тилида фразеологик синонимлар

Газета материалларини ўрганиш шуни кўрсатадики, фразеологик синонимлар газета жанрлари имкониятларидан келиб чиқиб ўринли ишлатилса, кеучсли тстилистик вгосита вазифасини бажаради. нинг ўз имкониятлари юзасидан ифодаланилаётган ҳолатларни учратамиз. Ҳар тамонлама тўғри қўлланилаётган фразеологик синонимлар газета учун муҳимдир.

Тилимизда *кўнглимни тоғдай кўтармоқ* фразеологизими мавжуд. *Кўнгли* сўзи билан боғлиқ иборалар Ш.Раҳматуллаев изоҳли фразеологик луғатида қуйдагича изоҳланган. *Кўнгли(и)ни тоғдай кўтармоқ* нима кимнинг - *Кўнгли тоғдай кўтарилди* кимнинг хурсанд қилиб, бениҳоя руҳлантирмоқ. Синоними: *кўкраг(и) тоғдай кўтарилди*. Бу каби фразеологик синонимлардан газета тилида ҳам унумли қўлланилмоқда. Мисоллар: Айниқса, меҳмонларнинг чет элдан экани ва гапларимни диққат билан тинглагани *кўнглимни тоғдай кўтарди* (З., 14.03.2015,3-бет). Бугун келиб, рост, ўзгаришлардан *кўнглим янада ёришиди, дилим қувнади* (З., 14.03.2015, 3-бет). Очiq чехра, ширинсуханлик, хуштавозелик, хушчақчақлик ўзаро мулоқатга киришган кишиларнинг кайфиятини кўтаради, *кўнглимни ёзади* (З., 17.01.2015, 4-бет). Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, энг муҳими, биз каби кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан *бошимиз кўкка етди* (З.,2.04.2015,1-бет). Янги уйларга, хонадонларга борсам, *баҳри дилим ёришади* (З.,17.01.2015, 5-бет). Бу мисоллардан ҳам кўринадики бири иккинчисидан мазмун жиҳатдан ҳам қисман фарқланиб туради. *Кўнглимни тоғдай кўтарди*га нисбатан *кўнглим янада ёришиди* фразеологик синоними мазмун жиҳатдан юқорида маъно касб этади.

Бу хонадонда кутилмаган меҳмон бўлмайди, эшиги ҳам, дастурхони ҳам *кўнглидай очиқ*(З.,14.03.2015,3-бет).

Оқ йўл сафарга чиқаётган кишига хавф-хатарга йўлиқмаслигини тилаб айтиладиган ибора. Мисоллар: Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва зиёратчиларнинг яқинлари иштрок этиб, муборак сафарга отланаётганларга *оқ йўл* тилашди(З.,10.03.2015,4-бет).

“Зарафшон” электр тармоқлари корхонаси бошлиғи ва унинг ҳамтовоклари ғайриоддий келишувларга *суяғи йўқ* чиқиб қолди (З.,22.10.2013,2-бет).

Шу тариқа корхона тобора *қарздорлик ботқоғига ботиб* борарди (З.,22.10.2013, 2-бет).

Барчамиз *бир ёқадан бош чиқариб*, кенг жамоатчилик иштирокида тўй-маракаларни ўтказишга жиддий қараган ҳолда, энг аввало, маҳаллаларда фаол кишиларнинг, оилаларида ота-оналарнинг масъулятини оширишимиз зарур (З.,22.10.2013, 3-бет). Халқимиз *бошини бириктириш*, келажакка ишонч уйғотиш ва давлатимизни мустабид тузум исканжасидан озод этиш учун элпарвар, қатъиятли ва жасур Президентимизни бизга бош қилди(З.,14.03.2015,3-бет).

Нима эмиш, ўша тўй куда томони қариндошлариники бўлиб, уларнинг олдида *паст кетгиси келмай* шундай қилибди(З.,22.10.2013, 3-бет).

Проф.Ш.Раҳматуллаевнинг фикрича, “ҳозирги ўзбек тилидаги ибораларда луғавий маънонинг тараққиёти асосан метафора йўли билан кўчириш натижасида воқе бўлган”.⁴¹ Кўп маъноли соматик фраземалар луғатларда ҳозирги кунга қадар турлича изоҳланмоқда. Масалан, “кўз” соматизми иштирокидаги фраземалар луғатларда салмоқли ўрин эгаллайди. “Ўзбек тили изоҳли луғати” да “кўз ” сўзи қатнашган 80 дан ортиқ соматик фразема қайд этилган. “Ўзбек тили фразеологик луғати”да 158 та шундай

⁴¹ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. –Тошкент, 2013, 183-б.

фразема мавжудлиги қайд этилган. Агар биз бу луғатларда келтирилган “кўз” соматизми иштирокидаги фраземаларнинг барча вариантларини ҳам инобатга оладиган бўлсак, уларнинг умумий сони 190 дан ортади. А.Исаев “Ўзбек тилида соматик фразеологизмлар” номли тадқиқотида “кўз” компонентли фраземалар тилимизда 127 та эканлигини қайд қилади. Унинг таъкидлашича, “кўз” компонентли фраземалар маҳсулдорлиги жиҳатидан рус тилида иккинчи ўринни, туркман тилида бешинчи ўринни, латиш тилида иккинчи, инглиз ва немис тилларида учинчи ўринни эгаллайди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, “кўз” компонентли фраземаларнинг 15 таси полисемантик хусусиятга эга. Шундан биттаси тўрт маъноли (“кўз қисмоқ”), икkitаси уч маъноли (“кўзи қиймади”, “кўз тикмоқ”), қолган ўн икkitаси (“кўзга илинмоқ”, “кўзга кўринмоқ”, “кўзга ташланмоқ”, “кўзига иссиқ кўринмоқ”, “кўзига кўринмаслик”, “кўзидан ўт чиқиб кетди”, “кўзи тинди”, “кўзи тўймайди”, “кўзи камашди”, “кўзлари кинидан чиқиб кета ёзди”, “кўзини олайтирмоқ”, “кўз ўнгида”) икки маъноли полисемантик фраземадир.

Маълум бўладики, фразеологик синонимлар ҳам газета тили учун муҳим аҳамият касб этади. Фразеологик синонимларнинг жанрларда қўлланиши ҳам ўзига хосликларга эга. Масалан, мақола жанрида ишлатилган куйидаги *кўзга ташланмоқ* фразеологизмига эътибор қаратсак: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да бугунги таълимни жаҳон андозаларига мос равишда ташкил қилиш, эскича қоғозбозликдан қочиш талаб қилинаётган бўлса-да камчиликлар *кўзга ташланмоқда* (3.,22.10.2103, 4-бет). Салқин ишком остидаги чорпояда хузур қилиб ёнбошлаб ётар эканман, чол-у кампирнинг аҳил-иноқлигига ҳавасим келди. Ҳойнаҳой у томонда сабзи, пиёз, кўкатлар, картошка, помидор экинлари *кўзга ташланади* (3.,8.07.2014, 1-бет).

“Кўздан кечирмоқ” фразеологизми Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”⁴² да қуйдагича изоҳланган. “Кўздан кечирмоқ” ким нимани ёки кимни қараб чиқмоқ, бирма-бир кўрмоқ, синчиклаб танишмоқ. Варианти: кўздан кечирилмоқ нима; кўз(и)дан кечирмоқ ким ўзининг/ нимани; кўздан ўтказмоқ; кўз(и)дан ўтказмоқ ким [ўзининг] нимани; назардан ўтказмоқ; назар(и)дан ўтказмоқ ким [ўзининг] нимани. Газета тилида “кўздан кечирмоқ” фразеологизми *этибор бермоқ, назар солмоқ, кўрмоқ* маъноларида ва улар билан ёнма-ён ишлатилган.

Фразеологик синонимларни газета жанрининг ҳаммасида ҳам учратиш кийин. Масалан, хабар, ҳисобот жанрларида иборалар деярли ишлатилмаган. Асосан, мақола, репортаж, танқидий мақола, эссе жанрларида фразеологизмларнинг имкониятларидан яхши фойдаланилган. Мисол: Отам ишимизни *кўздан кечириб*, маслаҳатларини берадилар (З.,17.01.2015, 5-бет).

Кўзда тутилган фразеологизми эмоционалликни ифодалаш учун матнда ўринли ишлатилган. Масалан, Бундан ташқари, аҳоли гавжум жойларда дурадгорлик устахоналари, новвойхоналар куриш ҳам *кўзда тутилган* (З.,17.01.2015, 4-бет).

Газета репортаж жанрида ишлатилган фразеологизм матннинг образлилигини таъминлаган. Масалан, Таълим тизимидаги ўзгаришларни *кўриб, кўз қувнайди* (З.,2.04.2015,1-бет).

Ўзбек тилида “қулоқ” соматизми асосида шаклланган тўртта фразема (*қулоқ солмоқ, қулогига кирмаслик, қулогига қуймоқ, қулогини бураб қуймоқ*) каби полисемантик хусусиятига эга. Бу фраземаларнинг барчаси икки маънолидир. Шулардан бири *қулогига қуймоқ* фраземаси бўлиб, “Ўзбек тили фразеологик луғати”да қуйидаги икки маъноси қайд этилган: 1) гап ўқтирмақ; 2) хотирасида мустаҳкам сақламоқ маъноларини ифодалаган.

⁴² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент, 1992, 314-б.

“Қулоқ солмоқ” соматик фраземаси “Ўзбек тили фразеологик луғати”да қуйдаги икки маъноли фразема сифатида изоҳланган: 1) тингламоқ; 2) айтганини қилмоқ каби маъноларни ифодалаб келмоқда.

Газета тилида ҳам бу каби фразеологик синонимлар репортаж жанрида ишлатилган ва матннинг образлилигини таъминлаган. Масалан, Ота ёки она тўғри йўлга бошқараяптими, бола унга *қулоқ солиши* шарт (З.,18.02.2012,2-бет). Бобомнинг гапларига *қулоқ солиб* турарканман, нотўғри иш қилганимни тушундим (З.,22.10.2013,4-бет).

“Ўтакаси ёрилмоқ” фразеологизми “кўркмоқ” маъносини ифодалайди. Мақола жанрида қўлланилган фразеологизм образлиликка хизмат қилган. Масалан,Тонг саҳарда йиғлашимни эшитиб, *ойимнинг ўтакаси ёрилди* (З.,22.10.2013, 4-бет).

Ҳаммасига мана, янгангиз кўндаланг, яна қўлидаги капкир билан керилиб, *кўксига нуқсиб қўйди* (З.,8.07.2014,1-бет). Оҳ, оҳ, *қўлинг дард кўрмасин* кампир, ҳар куни шундай паловхонтўра билан сийлаб турсанг экан (З.,8.07.2014,2-бет). Кампир қошларини чимириб, чолга *ёвқараш қилди* (З.,8.07.2014,2-бет).

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”⁴³ да *бармоғини тишламоқ* ибораси қуйидагича изоҳланган: *Бармоғ(и)ни тишламоқ* ким /ўзининг/ ҳеч нарса қилолмай, натижага эриша олмай *лол қолмоқ*. Газета мақоласида *лол қолмоқ* фразеологизми ўринли ишлатилган. Масалан: Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, қарйиб қирқ йилдан буён пенсияда экани ва давлат томонидан пенсия тўланишини айтганда, меҳмонлар бутунлай *лол қолди* (З.,14.03.2015,3-бет).

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”⁴⁴ да *Қўл(и)ни боғламоқ* ким ёки нима кимнинг қўл(и) боғланди кимнинг фаолиятини чеклаб қўймоқ, бирор иш-тадбирнинг амалга ошувига монелик

⁴³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент, 1992, 218-б.

⁴⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент, 1992, 412-б.

килмоқ маъноларида изоҳланган. Газета матнларида, айниқса, муаммоли мақолада *қўли боғланган* фразеологизми ишлатилган. Мисоллар: Тўғри, илгари ҳам республика эдик, лекин бу республиканинг *қўли боғланган, оғзи беркирилган* эди(З.,14.03.2015,3-бет).

Раҳна солмоқ Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”⁴⁵ да қуйидагича изоҳланган: *Раҳна солмоқ* ким нимага бузилишига, парчаланишига олиб келадиган таъсир кўрсатмоқ. Газета тилида *раҳна солмоқ* фразеологизмини мақола жанрида учратиш мумкин. Мисол: Бундай ғараз ниятли кимсаларнинг мақсади ўзора низолар, қуролли тўқнашувлар орқали тинч ҳаётга *раҳна солишдир* (З.,14.03.2015,3-бет).

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бу автомобиллар *дунё андазаларига мос келади*(З.,14.03.2015,4-бет).

У ҳам бўлса, одам *қуйма қулоқ* бўлиши, бир нарсани эшитдими хотирада сақлай билиши керак(З.,18.02.2012,2-бет).

Қўлга киритмоқ ким — *Қўлга киритмоқ* ким нимани ихтиёрига ўтмоқ. Эгалламоқ (кейинги вариант расмий). Варианти: *қўлга киритилмоқ* нима; *қўлга киргизмоқ*; *қўл(н)га киргизмоқ* ким [ўзининг] нимани; *қўлга киргизилмоқ* нима. Антоними: *қўлдан кетмоқ* нима - *қўлдан кетказмоқ* нима нимани; *қўлдан чиқмоқ* нима ёки ким - *қўлдан чиқармоқ*. Газета матнларида, айниқса, мақола, корреспонденция, лавҳа, ҳисобот жанрларида *қўлга киргизмоқ* фаол ишлатилган. Мисоллар: Ёигит-қизларимиз бир мутахассисликни *қўлга киритиш* жараёнида бошқа соҳалар ҳақида ҳам тушунчага эга бўлишади (З.,18.02.2012,2-бет).

⁴⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент, 1992, 314-б.

Оиланинг мустаҳкам бўлишида ана шу жиҳатларга аҳамият берилса, вояга етказаётган фарзандингиз ҳеч қачон *юзингизни ерга қаратмайди* (З.,18.02.2012,2-бет).

Мақолада келтирилганидек, тўй-маракада, туғилган кунлар тадбирида бўлар-бўлмасга ваъзхонлик қилиш, бир кишини *кўкларга кўтариш* бор гап (З.,7.10.2014,4-бет).

Дарвозани қаердан, нимасидан бошламоқ керак, *бошим қотганди* (З.,17.01.2015, 5-бет).

Баъзан кутилмаган зарбалардан эсанкираб қоламиз, *дунё кўзимизга тор кўруниб*, асабларимиз дош бермай қолади (З.,17.01.2015, 4-бет).

Газета материалларида фразеологизмларнинг аксарияти айнан ва қисман ўзгартирилган ҳолда, баъзан уларнинг вариантлари ва синонимлари ўринли қўлланилган. Бу эса журналистларнинг маҳоратидан далолат беради ва газетанинг ўқимишлилигини, таъсирчанлигини янада оширади.

ХУЛОСА

Ўзбек тилшунослигида синонимия, лексик ва фразеологик синонимия ходисалари атрофлича ўрганилган. Ўзбек адабий тили функционал услубларида, хусусан, бадиий, сўзлашув услубларда лексик синонимлар ва фразеологизмларнинг семантик-стилистик хусусиятлари ёритилган монографик ишлар, дарслик ва қўлланмалар мавжуд. Лексик ва фразеологик воситаларнинг газета тилида қўлланиши айрим тадқиқотларда ёритиб берилган бўлса-да, лексик ва фразеологик синонимларнинг матндаги ҳолатлари махсус илмий тадқиқ этилган эмас.

Газета тили ўзига хос хусусиятларга эга. Унда ахборот бериш таъсирчанликни таъминлаш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши зарур. Тилнинг луғавий бирликлари газета тилининг барча имкониятларини намойиш қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, синоним сўзлар ва фразеологизмлар муҳим аҳамият касб этади.

Лексик синонимлар газета матнларида кучли стилистик восита ролини бажаради. Синоним сўзларнинг маъно хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўринли ишлатиш газета жанрларида таъсирчанликни ифодалашнинг муҳим омилларидан саналади. Ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларда синонимлардан фойдаланиш ўзига хос талабларга эга. Масалан, нейтрал маъноли синоним сўзлар ахборот жанрларида, эмоционал-экспрессив бўёқдор синоним сўзлар таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларда стилистик восита ролини бажаради.

Фразеологизмлар кучли стилистик восита сифатида газета тилининг образлилигини оширишга хизмат қилади. Таъсирчанликни ошириш ва қайтариқларнинг олдини олишда фразеологик синонимиядан ўринли фойдаланилади.

“Зарафшон” газетасида лексик ва фразеологик синонимлардан маҳорат билан фойдаланилган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, газета

жанрларига мос ҳолда синонимлар ва фразеологизмлар ўринли ва унумли қўлланилган, адабий меъёрга риоя этилмаган ҳолатлар учрамайди.

АДАБИЁТЛАР:

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. КАРИМОВ И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008, 85-85-б.
2. МАМЛАКАТИМИЗДА демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 12 декабрь 2010 йил. «Халқ сўзи» газетаси.

Илмий адабиётлар:

1. АБДУЛЛАЕВ А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан. 1987. – 88 б.
2. АБДУСАИДОВ А. Газета тилида фразеологизмлар. – Самарқанд: СамДУ. 1990. – 120 б.
3. АБДУСАИДОВ А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ. 1991. – 80 б.
4. АБДУСАИДОВ А. Лексик дублетлар ва уларнинг изоҳи (газета материаллари асосида). – Самарқанд: СамДУ. 1993. – 96 б.
5. АБДУСАИДОВ А. Газета сарлавҳаси (Газета сарлавҳаларининг структур-грамматик ва лексик-стилистик хусусиятлари). – Самарқанд: СамДУ, 1995. – 120 б.
6. АБДУСАИДОВ А. Газета жанрларининг тили ва услуби. Монография. – Самарқанд, 2001. – 192 б.
7. АБДУСАИДОВ А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. Монография. – Самарқанд. 2004. – 102 б.
8. АБДУСАИДОВ А. Матбуотда адабий нормага риоя қилиш муаммолари. – Самарқанд, 2001. – 56 б.
9. АБДУСАИДОВ А. Фразеологизмлар – матбуот тилида таъсирчан восита. – Самарқанд, 2001. – 48 б.
10. АБДУСАИДОВ А. Матбуот тили маданияти. – Самарқанд, 2002. – 96 б.
11. АБДУСАИДОВ А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 120 б.
12. АБДУСАИДОВ А. Нутқ маҳорати. – Самарқанд, 2015. – 208 б.
13. БЕГМАТОВ Э., БОБОЕВА А., АСОМИДДИНОВА И. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983. – 152 б.
14. ДОНИЁРОВ Х., ЙЎЛДОШЕВ Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – 208 б.

15. ЙЎЛДОШЕВ Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан.докт. ...дис. автореф. - Тошкент, 1993. - 49 б.
16. ЙЎЛДОШЕВ Б., МИРЗАЕВ Б. Ўзбек тилида фразеологизм сарлав-ҳаларнинг стилистик хусусиятлари ҳақида (Матбуот материаллари асосида). // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. / СамДУ асарлари. - Самарқанд, 1982, 109-114-бетлар.
17. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. Монография. –Тошкент: Мухаррир, 2013. - 300 б.
18. КАРИМОВ С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Монография. – Самарқанд: «Зарафшон» нашриёти, 1992. - 140 бет.
19. РАҲМАТУЛЛАЕВ Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, 1978.
20. РАҲМАТУЛЛАЕВ Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. - Тошкент: Фан, 1966. – 131 бет.
21. ТЕШАБОЕВА Д. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. – Тошкент: Фан ва технология, 2011.
22. ТОЖИЕВ Ё., МАЛЛАБОЕВ М. Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асослари. 1-қисм. – Тошкент, 2006, 8-14-б.
23. ХУДАЙҚУЛОВ М. Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2008.
24. ШОМАҚСУДОВ А., РАСУЛОВ И., ҚЎНҒУРОВ Р., РУСТАМОВ Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
25. ЎЗБЕК ТИЛИнинг изоҳли луғати. I том. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
26. ЎЗБЕК ТИЛИнинг изоҳли луғати. II том. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. - 672 б.
27. ЎЗБЕК ТИЛИнинг изоҳли луғати. III том. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. - 688 б.
28. ЎЗБЕК ТИЛИнинг изоҳли луғати. IV том. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008. - 608 б.
29. ЎЗБЕК ТИЛИнинг изоҳли луғати. V том. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008. - 592 б.
30. ҚЎНҒУРОВ Р., БЕГМАТОВ Э., ТОЖИЕВ Ғ. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Фан, 1992.
31. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 408 б.

Internet saytlari

<http://www.ziyonet.uz> – adabiyotlarning elektron variantlari.

<http://www.allpravo.ru> – adabiyotlarning elektron variantlari.

Шартли қисқартмалар

“Зарафшон “

3.

МУНДАРИЖА

КИРИШ. Ишнинг умумий тавсифи.....

1. Ўзбек тилшунослигида синонимия
ҳодисасининг ўрганилиши ва долзарб муаммолар.

2. Газета тилида лексик синонимия.....

3. Газета тилида фразеологик синонимия.....

ХУЛОСА.....

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....